ЯШНАЙВЕР, „ОҚ ОЛТИН“ ЎЛКАСИ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-йил чиқиши
№ 271 (12.925).
21 НОЯБРЬ 1964 йил
ШАНБА
Баҳоси 3 тийин.

Республикамиз юбилейи СССР халқларининг қардошлик оиласида коммунизм қураётган барча халқлар, миллатларнинг катта дўстлик байрамига айланди.

Тошкент. 1964 йил 20 ноябрь. Санъат саройи. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ўзбекистон ССР ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси. Суратда: мажлис президиуми.
И. Глауберзон фотоси.

ТЎЙИНГ МУБОРАК, ЎЗБЕКИСТОН!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, интеллигенциясини, барча меҳнаткашларини шонли кун — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил топган куннинг 40 йиллиги билан самимий табриклайдилар ва қутлайдилар. Совет Иттифоқининг барча халқлари бу шонли юбилейни ўзбек халқи билан бирга нишонламоқдалар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ўзбек халқини чоризм зулмидан ва феодал-бойлар эксплуатациясидан қутқазди, унинг миллат сифатида ташкил топиб юксалишига йўл очиб берди, меҳнаткашларни янги жамият барпо қилиш учун, социализм ва коммунизм қуриш учун курашга отлантирди. Ўзбекистон Коммунистик партия раҳбарлигида Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг ва, аввало, улуғ рус халқининг ёрдамига таяниб, тарихан қисқа муддат ичида қолоқликдан тараққиёт сари ажойиб йўлни босиб ўтди, саноати ривожланган, механизациялаштирилган кўп тармоқли йирик қишлоқ хўжалигига, юксак маданиятга эга бўлган қудратли индустриал-колхоз социалистик республикасига айланди. Ўзбекистон эришган муваффақиятлар бутун дунёни қойил қолдирмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида республикада кўп тармоқли саноат вужудга келтирилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш революциядан илгариги даврдагига нисбатан 24 баравар кўпайди. Саноатнинг газ ва химия тармоқлари юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Ватанимиздаги барча халқларнинг куч-ғайрати билан гигант Бухоро—Урал газ қувури қурилди.

Қишлоқ хўжалиги революцион тарзда қайта қурилди. Майда деҳқон хўжаликлари ўрнида юксак даражада механизациялаштирилган йирик колхоз ва совхозлар вужудга келди, республика пахта етиштириш соҳасида мамлакатнинг асосий базасига айланди. Ўзбек деҳқонларининг фидокорона меҳнати ва юксак маҳорати натижасида, фан ютуқлари ва илғор тажрибани ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш натижасида пахтачиликда катта муваффақиятларга эришилди. Мирзачўлга мисли кўрилмаган кенг кўламда ҳужум қилинмоқда ва у яшнаб турган ўлкага — мўл-кўлчилик ўлкасига айлантирилмоқда.

Республикада буюк маданий революция амалга оширилди. Маориф, фан ва маданият ғоят ривожланди, шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди, халқнинг фаровонлиги ошди. Совет ҳокимияти йилларида янги киши — коммунизм бинокори ўсиб етишди. Ўтмишда ҳуқуқсиз бўлган ва эзилган ўзбек хотин-қизлари паранжи-чачвон билан бирга эски турмуш жабр-зулмини, ўтмишдаги чўрилик урф-одатларини улоқтириб ташладилар ва озод, тенг ҳуқуқли меҳнаткаш, янги жамиятнинг актив қурувчилари бўлиб қолдилар.

Ўзбек халқи эришган жуда катта муваффақиятлар ленинча миллий сиёсат тантана қилганлигини, мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва қардошларча ўзаро ёрдами тантанасини, совет ижтимоий тузумининг кучи ва ҳаётийлигини ёркин исбот этади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қаттиқ ишонч билдириб айтадиларки, Ўзбекистон меҳнаткашлари коммунизм қурилиши вазифаларини муваффақиятли бажариш учун, партиянинг КПСС XX, XXI ва XXII съездлари қарорларида белгиланган бош йўлини амалга ошириш учун куч ва ғайратларини аямайдилар.

Ўзбек халқининг республика экономикаси ва маданиятини янада гуллатиб яшнатиш учун курашда янгидан-янги муваффақиятларга эришувини тилаймиз.

Яшасин Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва унинг меҳнатсевар талантли халқи!

Яшасин КПССнинг жанговар отряди — Ўзбекистон Коммунистик партияси!

Совет давлати қудрати ва енгилмаслигининг мустаҳкам негизи бўлган СССР халқларининг бузилмас дўстлиги абадий яшасин ва яшнасин!

Яшасин совет халқини коммунизм ғалабаси сари дадил бошлаб бораётган шонли Коммунистик партиямиз!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** — **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон меҳнаткашлари ва Ўзбекистон Коммунистик партияси бугун ўзининг шонли қирқ йиллигини, ажойиб юбилейини нишонламоқдалар. Бу — ўзбек халқининг ҳаётида улуғ ва порлоқ кундир. Бутун совет халқи, бутун мамлакатимиз сизларнинг тантанангизда қатнашмоқда.

Байрам либосини кийган шу залда Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Литва, Молдавия, Латвия, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, Туркманистон, Эстония, хуллас улуғ ва қудратли Совет Социалистик Республикалари Иттифоқимизни ташкил этган барча қардош республикалар халқларида ва Коммунистик партияларининг вакиллари ўтиришибдилар. Бу ерда ажойиб шаҳарларимизнинг — Ватанимиз пойтахти Москванинг, революциямиз бешиги бўлган Ленинграднинг, мамлакатдаги энг йирик саноат районларидан бири бўлган Иваново шаҳри ва областининг вакиллари бор. Буларнинг ҳаммаси улкан дўст оилани эслатиб турибди. Бу оила, тез-тез учраб турганидек, ўз аъзоларидан бирининг ҳаётидаги шонли кунни нишонлаш учун бир жойга тўпланди.

Ана шу улуғ байрамга таклиф этганингиз учун самимий миннатдорчилик изҳор қилишга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг топшириғини бажаришимдан — Ўзбекистон Коммунистик партиясини ва республиканинг барча меҳнаткашларини, азиз ўртоқлар, сизларнинг ҳамманингизни шонли қирқ йиллик билан **(Қарсаклар)** самимий, чин кўнгилдан қутлашимдан бениҳоя хурсандман. Коммунистик қурилишдан иборат улуғ умумий ишимизда Совет Ўзбекистонининг янги катта муваффақиятларга эришувини истаб изҳор қилган энг яхши тилакларимизни қабул қилгайсиз! **(Қарсаклар).**

Ўзбекистон меҳнаткашлари шу кунларда икки байрамни ўтказмоқдалар. Бир неча кундан кейин кўп миллатли катта онламизнинг аъзоси Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ўзининг қирқ йиллигини нишонлайди. Қорақалпоқ халқини яқинлашиб келаётган байрам билан кўнгилдан табриклашта ва республикадаги барча меҳнаткашларнинг коммунизм қуриш йўлида янги муваффақият ва ютуқларни қўлга киритишларини исташга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Улуғ Октябрнинг биринчи йиллигида Владимир Ильич Ленин бундай деган эди: «Революциямизнинг бир йиллигини байрам қилиб турган кунимизда революциямиз босиб ўтган йўлга бир назар ташлаб ўтишимиз лозим» (Асарлар, 28-том, 137-бет).

Ўзбекистоннинг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари ҳам бугун ўз совет республикаси ва ўз партиясининг қирқ йиллигини байрам қилар эканлар, кураш, меҳнат ва ғалабаларнинг босиб ўтилган йўлига назар ташлайдилар.

Ўзбекистон ҳозирги кунда қандай йўлни босиб ўтганлиги тўғрисида, социалистик тараққиёт йўли, ленинча миллий сиёсат халқларга нималар бергандиги, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ўзбек халқининг ҳаётини қандай ўзгартириб юборганлиги тўғрисида катта муваффақиятлар билан, яққол кўриниб турган фактлар билан сўзлаб беради.

Ўзбек халқи ва Ўзбекистон коммунистлари қирқ йил мўқаддам тенг ҳуқуқли совет республикалари оиласига қўшилиб, оғир вазифаларни ҳал этишга киришдилар. Илгариги феодал чекка ўлкани, аслида қолоқ чор Россиясининг мустамлакасини яшнаб турган социалистик республикага айлантириш керак эди. Мустамлака ўтмишининг ҳамма қолдиқларини илдизи билан йўқ қилиш, феодал-бойларча муносабатларни тугатиш, халқни онгли революцион ижодкорликка отлантириш керак эди.

Ўзбекистон халқи Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча ёрдами билан, улуғ Ленин партиясининг раҳбарлигида ана шу тарихий вазифаларни муваффақиятли ҳал этди. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ўзининг қирқ йиллиги кунида замонавий саноат, ривож топган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш, юксак маданият мамлакати сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбек халқи ҳақиқатан ҳам миллат сифатида ташкил топиб юксалди. Кишиларнинг ҳаёти барча соҳаларда тубдан ўзгарди.

Табиат ўз неъматларини сахийлик билан серқуёш Ўзбекистонга бахш этди. Аммо, меҳнаткаш халқ асрлар бўйи бу бойликлардан фойдалана олмаган эди. Ўзбекистонни фақат социализмгина озодликка чиқарди, халқни ўз мамлакатининг чинакам хўжайинига айлантирди, уни озодлик ва бахт-саодат йўлида буюк меҳнат зафарларига отлантирди.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, ҳар бир киши, сизнинг заводларингизни, колхоз ва совхозларингизни, мактаб ва касалхоналарингизни, театрларингизни кўрган, меҳнатсевар, хушчақчақ ўзбек халқи билан учрашган кишиларнинг ҳаммаси Ўзбекистон республикасининг Совет ҳокимияти йилларида эришган барча муваффақиятларидан астойдил хурсанд бўлмай қола олмайди.

Ўзбек халқи порлоқ ҳаётга эришиш йўлида кўлгина жиддий синовларга бардош берди. Немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилган Улуғ Ватан уруши бутун Ватанимиз учун бўлгани каби ўзбек халқи учун ҳам энг оғир синов бўлди. Ўзбекистон территорияси жанг бўлиб турган районлардан гарчи узоқда бўлса ҳам, лекин Совет Иттифоқидаги барча республикалар каби у ҳам ўз ишлари билан фронтнинг олдинги линиясида турар эди. Ўзбек халқининг минг-минглаб шонли фарзандлари — пиёда аскарлар, тўпчилар, учувчилар, танкчилар, снайперлар, разведкачилар Ватаннинг шаън-шарафи ва озодлиги учун жанг қилдилар. Улардан кўпларининг номлари ва, аввало, Совет

(Давоми иккинчи бетда).

ЯГОНА, КАТТА ОИЛАДА

Бу байрамнинг аниқ белгилаб қўйилган куни бор. Лекин бу байрам Ўзбекистонда юбилей йил деб аталган бу йилнинг ҳар бир кунини алоҳида бўёқлар билан товлантирди, ҳар кунга алоҳида кайфият бағишлади. Бу байрамга баҳордан бошлаб тайёргарлик кўрилди, эндликда эса республикамизнинг ҳамма меҳнаткашлари уни зўр қувонч билан кутиб олишди.

Республика меҳнаткашларининг дадил режаларида ва ундан ҳам кўра дадилроқ ишларида ўз ифодасини топган бу байрам металлургларга ва пахтакорларнинг, машинасозлар ва ғаллакорларнинг, химиклар ва чорвадорларнинг — ҳозирги кунда озод Ўзбекистон республикасида жуда кўп ўсиб етишган барча касбдаги кишиларнинг меҳнатига ҳусн бағишлаб турди. Ленин ватани — Улуғ Октябрь ватани деган мағрур ном билан бутун дунёда шуҳрат қозонган кўп миллатли севикли Ватанимизнинг донгини ошириш учун ҳар биримиз тайёрлаган ўз совғаларимизни Ўзбекистон республикасининг шонли қирқ йиллигига, Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигига бағишлайгердик.

Меҳнат ғалабаларининг рапортлари юбилей яқинлашган сари салмоқдор бўлаверди. Шаҳарлар ва қишлоқларимиз ҳам тобора чиройлироқ бўлиб ясаняверди. Шаҳарларимиз ва қишлоқларимиз алвон-алвон қизил байроқлар билан, шонли қирқ йил ичида эришилган, асло унутилмайдиган шижоатларни ҳикоя қилувчи ранг-баранг панолар билан безанди. Бинокорлар юбилейга атаб қураётган янги ажойиб иморатлар битиб қад кўтараверди. Шулардан бири — Тошкентдаги Санъат саройи 20 ноябрда байрам тантаналарининг маркази бўлиб қолди.

Ўзбекистон ерида ҳали мисли бўлмаган ва архитекторларнинг ажойиб ижодларидан бири бўлган бу ҳашаматли бино ўзининг гўзаллиги билан ҳаммани ҳайратда қолдиради. Бу биноининг улуғворлиги, қийматбаҳо жуда катта тошдек яхлит ва монументаллиги, шаклларнинг нафислиги ва айни вақтда соддалиги, ҳамма қисмларининг бир-бирига уйғунлиги ҳозирги Ўзбекистоннинг қиёфасини гавдалантириб турибди, деса бўлади.

Лекин бу саройнинг ичига киганингизда республикамизнинг янги қиёфасини тўлиқ ифодалаб турган, ғағин ҳам ҳашаматлироқ бўлган бошқа нарсалар беихтиёр эътиборингизни жалб қилади. Зарбдор юбилей вахтаси кунларида пахтакорларнинг уч ярим миллион тонна қиммат баҳо «оқ олтин»дан ясаган оппоқ пахта тоғи мўъжиза эмасми, ахир? Энергетика, химия ва бошқа индустрия тармоқларининг электр нурларига кўмилган янги қурилишлари мўъжиза эмасми, ахир? Қум чўлларини кесиб ўтган ғаз қувурлари ва шу чўллардан тортиб олиб ўзлаштирилган юз минг гектарлаб янги ерлар мўъжиза эмасми, ахир?

Мана шуларнинг ҳаммаси оддий совет кишисининг қўли билан яратилди. Ўзининг синалган даргасига — жонажон Коммунистик партияга чексиз содиқ бўлган халқ яратди. Жанговар 40 йиллик коммунизм учун кураш поэзияси билан, янгилиқ қарор топаётганлигини тараннум этувчи поэзия билан суғорилган. Шу йиллар ичида босиб ўтилган йўл осон бўлмади. Порлоқ истиқболимизни очиб берган йиллар бирин-кетин ўтаверди.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

(Бошы биринчи бетда).

Иттифоқи Қаҳрамонлари Усмонов, Эргашев, Бобоев, генераллардан Раҳимов, Узоқов, Норхўжаевларнинг номлари тарихга ўзбек халқи фарзандларининг ҳарбий шавкат ва шуҳрати намунаси бўлиб ёзилиб қолади. **(Қарсаклар).**

Республика меҳнаткашлари халқ хўжалиги нимагаки эга бўлган бўлсалар, шуларнинг ҳаммасини фронтга беришга ҳаракат қилдилар. Шафқатсиз уруш вақтида туғилиб ўсган жойларини, ўз фабрика ва заводларини, ўз далаларини вақтинча ташлаб кетишга мажбур бўлган миллионларча хотин-қизлар ва болаларга, кекса оталаримиз ва оналаримизга ўзбек халқи қон-қардошдек ўз уйларининг эшикларини кенг очиб қўйганлиги, уларни бағрига олиб тирикчилик қилишларига кўмаклашганлигини ҳам барча совет кишилари яхши эсда тутадилар. Буни унутиш асло мумкин эмас, Ўртоқлар. **(Қарсаклар).**

Ҳозирги кунда Ўзбекистон мамлакатимизнинг гигант тўқимачилик фабрикаси, химия барқ уриб ўсаётган, ғоят юксалган машинасозлик ўлкасидир. Ўзбекистондаги заводлар Яқин ва Ўрта Шарқдаги мамлакатларнинг ҳаммасини бирга қўшиб ҳисоблаганда, улардагидан кўпроқ қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқараётганлигини айтиб ўтишнинг ўзи ҳам кифоядир. Социалистик Ўзбекистон ҳозирги вақтда электр энергиясини бутун Россия империясида 1917 йилгача ишлаб чиқарилганидан тўрт баравар кўпроқ ва аҳоли жон бошига ҳисоблаганда Туркиядагига нисбатан етти баравар, Эрондагига нисбатан 16 баравар кўпроқ ишлаб чиқармоқда.

Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди. Қақраб ётган ерларга сув чиқарилди. Тракторлар, комбайнлар ва бошқа кўп машиналар билан қуролланган қишлоқ меҳнаткашлари ўз хўжаликларини юксак агротехника маданияти асосида уюштириш имкониятига эга бўлдилар. Сизнинг республикангиз мамлакатнинг асосий пахта базасидир. Сизлар Совет Тожикистони билан бирга пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан кўп йиллардан буён жаҳон рекордини эгаллаб келмоқдасиз. Ўзбекистон пахтакорлари бу йил ўз муваффақиятлари билан мамлакатимизни яна ҳурсанд қилдилар. Ўртоқ Рашидов ҳозиргина айтиб ўтганидек, пахта тайёрлаш давлат плани муддатидан илгари бажарилди. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати кеча Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини ана шу шонли ва катта ғалаба билан табрикладилар.

Ўзбекистонда пилла етиштириш йил сайин ортиб бормоқда. Халқ хўжалигимизнинг муҳим тармоғи бўлган чорвачилик қишлоқ хўжалигида тобора катта ўрин ва аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистоннинг мевазорлари ва узумзорлари тобора кўркам ва серҳосил бўлиб бормоқда.

Мирзачўлнинг ўзлаштирилаётганлиги ўзбек халқининг мамлакатимиздаги бошқа халқлар билан маҳкам ҳамкорликда эришаётган ажойиб зафаридир. Мирзачўлнинг бўстонларга айлантирилаётганлиги озод халқ социализм шароитларида инсонларга қодир эканлигини яна бир марта кўрсатади.

Ўзбек халқининг қадимий маданияти социализм ғалабаси туфайли қайта тикланди ва янги мазмунга эга бўлиб, гуллаб-яшнади. Бу маданият бутун халқнинг мулки бўлиб қолди. Совет Ўзбекистони ёппасига саводхонлар республикаси, ғоят тараққий этган фан, маданият, санъат республикасидир.

Социалистик Ўзбекистонни маъмур ва бой қилган нарсаларнинг ҳаммаси республика ишчилари, деҳқонлари ва интеллигенциясининг меҳнат самараларидир.

Революциядан илгари Ўзбекистонда 17 минг ишчи бор эди. Булар кичик, лекин маҳкам уюшган отряд бўлиб, Совет ҳокимияти учун, халқ бахт-саодати учун олиб борилган жангларда коммунистларнинг ишончли таянчи эди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонинг ишчилар синфи коммунизм қурувчиларнинг қарийб бир миллионли армиясини ташкил этади. Улар ўзбек элидаги жуда кўп машинасозлик ва авиация заводларида, тўқимачилик ва химия корхоналарида, транспортда, қурилишларда меҳнат қилмоқдалар. Улар жуда катта моддий бойликларни яратмоқдалар, моҳир қўллари билан коммунизмнинг моддий-техника базасини қурмоқдалар. Улуғ мамлакатимиз ишчилар синфининг ажойиб отряди бўлган Ўзбекистон ишчиларига шон-шарафлар! **(Қарсаклар).**

Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари янги ҳаётга эга бўлдилар. Зулм ва эксплуатациядан қутулиб, ўз элининг хўжайини бўлиб олган қишлоқ меҳнаткашлари маданият бойликларини, агротехника фанини эгалладилар, тажрибали механизаторлар бошқараётган минг-минглаб оқилона машиналар уларнинг меҳнатда юксак натижаларга эришишларига ёрдам бермоқда.

Биз шу байрам кунида Ўзбекистоннинг колхозчиларига ва совхоз ходимларига, «оқ олтин» — пахта, дон экинларидан мўл ҳосил етиштираётган усталарга, чорвачилик усталарига самимий саломимизни йўллаймиз! **(Қарсаклар).**

Республика интеллигенцияси Ўзбекистон маданиятини юксалтиришда жуда катта хизмат қилаётганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Республика интеллигенцияси ўзининг бутун билими, бутун меҳнатини ўз Ватанига хизмат қилишдан иборат, олижаноб ишга, ўз халқининг моддий ва маънавий неъматларини зўр бериб равнақ топтиришга бағишлаган. Ўртоқлар, Совет Ўзбекистони халқ интеллигенциясининг ўз ижодий фаолиятида янгидан-янги катта муваффақиятларга эришувини тилаймиз. **(Қарсаклар).**

Янги Ўзбекистон хотин-қизларнинг ҳуқуқсизлиги каби ўтмишнинг меросига барҳам берганлиги қувончли бир ҳолдир. Ўзбек хотин-қизлари тамомила озод ва янги ҳаёт қурилишининг тенг ҳуқуқли иштирокчилари бўлиб қолдилар. Ҳозирги кунда биз Ўзбекистон хотин-қизларига шу гапларни айтамиз: далаларда ва фабрикаларда, мактаблар ва касалхоналарда, хуллас, коммунистик қурилиш ишига катта ҳиссаларини қўшаётган ҳамма жойда фидокорона қилаётган меҳнатиягиз учун, буларнинг ҳаммаси учун бутун халқ номидан сизларга катта раҳмат. **(Қарсаклар).**

Ўзбекистон қўлга киритган муваффақиятларда мамлакатимиздаги барча халқлар меҳнатининг ҳам катта ҳиссаси бор. Ўртоқ Рашидов ўз докладида бошқа интиқоқдош республикалар билан самарали ҳамкорлик тўғрисида, қардош халқларнинг ва, аввало, улуғ рус халқининг Ўзбекистонга бераётган ёрдами тўғрисида зўр самимият билан гапириб ўтганлиги бежиз эмас. Руслар билан ўзбекларнинг бузилмас қардошларча дўстлиги Улуғ Октябрь тўпларининг садолари Нева дарёсининг совуқ тўлқинларидан Туркистоннинг қум саҳроларигача эшитилган ва бу ерда омманинг революцион онгини уйғотган кунлардан бошланган эди. Ўзбек пролетарлари, батраклар ва деҳқонлари Ленининнинг сўзларини эшитдилар. Улар Ленининг сўзларини ҳаракат бошлашга даъват деб қабул қилдилар ва ўзларининг рус биродарлари билан биргаликда озодлик учун, социализм учун кураш йўлига ўтдилар.

Бизнинг Ватанимиз коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврга қадам қўйган ҳозирги пайтда республикангизнинг равнақи халқлар ленинча дўстлиги идеяларининг жонли тимсоли бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиздаги социалистик миллатларнинг қардошларча иттифоқи ва дўстлиги, барча ғалабаларимизнинг энг чуқур, энг муҳим манбаларидан бири бўлган ана шу иттифоқ ва дўстлик абадий яшасин ва мустаҳкамлана берсин! **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Совет Ўзбекистонини барпо этиш, мустаҳкамлаш ва юксалтиришда республика партия ташкилотининг роли жуда каттадир. Республика партия ташкилоти катта ва шонли йўлни босиб ўтди, марксизм-ленинизмнинг революцион байроғини доим баланд кўтариб борди. Ўзбекистон коммунистлари чоризмга, интервентларга, оқгвардиячиларга ва босмачиларга қарши умумхалқ курашида, социализм қуриш учун олиб борилган синфий жангларда чиниқдилар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Компартияси сафларида уч юз мингдан кўпроқ киши бор. Бу жуда катта куч, ўртоқлар! Республика эндигина ташкил топган пайтда Ўзбекистон Компартиясида атиги 16 минг коммунист бор эди. Булар жанговар кишилар, отаҳин, фидокор революционерлар эди. Биз Ўзбекистон халқларини ўз озодлиги учун курашга отлантирган, уларнинг Совет ҳокимияти учун, социализм қуриш учун олиб борган курашига бошчилик қилган кишиларни чуқур ҳурмат ва миннатдорчилик туйғулари билан эсга оламиз. Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун мардона кураш олиб борган 14 халқ комиссарининг шонли номлари халқларнинг хотирасидан ҳеч қачон кўтарилмайди. Биз Икромов, Охунбобоев, Морозов, Ўжаев ўртоқларинг хотирасини ва Коммунистик партиянинг бутун куч ва ҳаётларини Ўзбекистон халқлари бахт-саодати йўлида фидо қилган бошқа шонли фарзандлари хотирасини ғоят ҳурматлаб эсга оламиз. **(Қарсаклар).**

Совет Ўзбекистонининг бутун тарихи республика Компартиясининг тарихи билан чамбарчас боғланган. Ўзбекистон халқлари ўз тақдирини Коммунистик партияга, халққа хизмат қилиш, халқнинг бахти ва равнақи учун хизмат қилишдан бошқа мақсади бўлмаган партияга ишониб топширдилар. Ўзбекистон коммунистлари Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партиясининг шонли отрядидир. **(Қарсаклар).**

Ўзбекистон Коммунистик партияси ифтихор билан ўз ишларига якун ясамоқда. Бу якунлар шак-шубҳасиз буюк якунлардир. Улар барча совет кишиларини қувонтиради. Аммо, Ленин васиятларига содиқ бўлган Ўзбекистон коммунистлари ўз юбилей кунида ҳам муваффақиятлар тўғрисидагина эмас, балки навбатдаги вазифалар тўғрисида ҳам гапирмоқдалар.

Сизлар пахта етиштиришнинг моҳир миришкорларисиз ва катта муваффақиятларга эришдингиз. Ўртоқлар, шу нарсани ҳам яхши биласизки, ҳар бир колхоз ва совхознинг пахта ҳосилдорлигини оширишдаги резервлари ҳали тўла ишга солинаётгани йўқ. Ҳаётдаги ҳамма ҳоллар учун тайёр рецептлар, ҳамма боп маслаҳатлар бериш мумкин эмас, албатта. Лекин бошқа бир нарса бор, ўртоқлар, у ҳам бўлса республикадаги илғор пахтакорларнинг тажрибасидир.

Республикада ўтган йили ҳар гектар ердан 22,7 центнер пахта ҳосили олинди, илғор колхозлар, масалан, Фарғона областидаги Ленин номли, Андижон областидаги «Ленинград» колхози ва бошқа колхозлар гектар бошига 35-38 центнер пахта олдилар. Хоразм области ўтган йили умуман гектар бошига 31 центнер пахта олди.

Илғорларнинг тажрибасини ҳамда илғор фан ва техника ютуқларини ўзлаштириш, уларни кундалик практикада жорий қилиш — хўжалик вазифаларимизни ҳал этиш йўлидир.

Дон ва шоли етиштириш катта эътиборни талаб этади. Сизлар бу йил дон етиштиришда муайян муваффақиятларга эришдингиз, давлатга дон сотиш плани икки баравардан зиёд ошириб бажарилди. Сизлар бу муваффақиятларни кўпайтириш учун барча имкониятларга эгасиз. Шолига келганда шуни айтиш керакки, республикадаги айрим хўжаликлар гарчи мўл ҳосил олаётган бўлсалар ҳам умуман жуда муҳим ва зарур бўлган ана шу экин ҳали кам етиштирилмоқда. Сизлар бу ишни бемалол бажара оласиз, чунки сизлар сувдан фойдаланишнинг моҳир усталарисиз. Сизлар бундан буён ҳам шоли ҳосилдорлигини ошириш учун куч-ғайратингизни сарфлайсиз, деб ишонамиз. Биз чорвачилик ва паррандачиликни янада ривожлантириш соҳасида жиддий иш олиб боришимиз керак ва чорвачилик ҳамда паррандачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим ва мураккаб тармоғи эканлигини ва биз аҳоли ҳамда саноатнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган ва ўсиб бораётган эҳтиёжини қониқтирмаётганлигимизни эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Мамлакат қишлоқ хўжалигидаги қолоқликка барҳам бериш ва унинг мустаҳкам суратда барқарор ўсиб боришини таъминлаш — бизнинг биринчи навбатдаги умумдавлат вазифамиз, ўртоқлар. Партия ва Совет ҳукумати бу ишга доим эътибор бериб келмоқдалар. КПСС Марказий Комитети шунга аминдирки, Ўзбекистон коммунистлари ва республиканинг барча меҳнаткашлари совет халқининг умумий ишига — қишлоқ хўжалик юксак маданиятини юксалтириш, уни халқ хўжалигининг ғоят тежамли илғор соҳасига айлантириш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқ учун куч-ғайратларини аямайдилар.

Совет саноати ходимлари олдида ҳам тежамли ишлаш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ошириш проблемаси турибди. Шу муносабат билан, ўртоқлар, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Бизнинг саноатимиз юксак талабларга жавоб бермаётган баъзи товарларни, хусусан кенг истеъмол товарларини ишлаб чиқараётганлиги сир эмас-ку. Бундай товарлар сотилмай, омборларда уйилиб ётади. Бу ҳол экономикага ва истеъмолчиларнинг манфаатларига зарар етказади. Буюмларнинг сифатини яхшилаш учун, бракка йўл қўймаслик учун кескин кураш олиб бориш пайти келди.

Совет халқининг коммунистик қурилишда эришган катта муваффақиятлари мавжуд камчиликлардан эътиборимизни четга тортмаслиги керак. Биз ана шу камчиликларни бартараф қилишни мамлакатимизнинг коммунизм сари янада тез олга боришининг гарави, деб биламиз.

Ўртоқлар! Ўзбекистон ССРнинг ва Ўрта Осиёдаги бошқа совет республикаларининг ташкил топиши халқаро миқёсда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўша вақтларда Осиёдаги мамлакатларнинг кўпчилиги (Африка тўғрисида гапирмаёқ қўяқолайлик) Европа давлатларининг ҳуқуқсиз мустамлакалари эди. Ана шу жабр-зулм зонаси яқинида озодлик ва мустақиллик зонаси вужудга келди. Бу зона асорат остидаги халқлар учун йўлчи юлдуздек нур сочди.

Шу сабабли жаҳондаги бутун прогрессив жамоатчилик Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятининг ғалабаси ва мустаҳкамланишини мамнуният билан кутиб олди. Шу билан бирга реакцион унсурлар ва мустамлакачилар Ўрта Осиёда Совет республикаларининг вужудга келишига қарши туҳмат кампаниясини авж олдирдилар. Масалан, ўша вақтларда Лондонда чиқадиган «Таймс» газетаси қўшни мамлакатларга ҳужум бошлаш ва қўшни территорияларни ўз ерига қўшиб олиш учун Ўрта Осиёда совет республикалари вужудга келтирилмоқда, деб даъво қилган эди.

Турмуш буржуа пропагандистларининг Ўрта Осиёдаги совет республикаларига қилган туҳматларини қатъиян рад этди. Совет Иттифоқининг барча халқлари каби ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар ҳам тинчликка, чет мамлакатлар билан маданий ва савдо алоқаларини ривожлантиришга интилмоқдалар. Ўрта Осиёда совет республикаларининг ташкил топиши билан бепоён кенг районда биринчи марта тинчлик қалъаси вужудга келди. Ана шу районда асрлар бўйи урушлар бўлган эди, империалистлар бу районни ҳадеб бўлиб олар ва ер ҳамда чегараларни қайтадан тақсимлай берар эдилар.

Ер юзининг ҳамма қисмидан сиёсий ва жамоат арбоблари, мутахассислар ва туристлар Ўзбекистонга келиб турибдилар. Улар ўзбек халқининг бутун бир тарихий даврни ҳаталб ўтишга ва ўзининг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётида кўпгина буржуа мамлакатларидан ўзиб кетишга қай тариқа муваффақ бўлганлигини билишни истайдилар.

Ўзбек халқи ҳам тинч шароитда социалистик қурилишдаги ўз тажрибаларини бажонидил баҳам кўрмоқда.

Ўзбекистон жаҳондаги кўп мамлакатлар билан кенг кўламда иқтисодий ва маданий алоқа қилиб турибди. Ўзбекистон ССР жанубий қўшнимиз Афғонистон билан чинакам дўстона муносабатлар ўрнатди. Афғонистонда барпо этилаётган энергетика ва ирригация иншоотлари қурилишида ўзбеклар билан афғонлар қўлни-қўлга бериб ишламоқдалар. Афғонистондан келган мутахассислар Тошкентда ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида профессионал тайёргарликдан ўтмоқдалар. Республиканинг олий ўқув юртларида афғон студентлари ўқимоқдалар. Ўзбекистон ССРда ва Афғонистон короллигида турли социалиқтисодий тузумлар мавжуддир. Лекин бу ҳол уларнинг самарали ҳамкорлик қилишларига сира ҳалақит бермайди.

Тинчлик, ҳуқуқий тенглик ва халқлар ўртасида дўстликдан иборат ленинча сиёсат амалга оширилаётганлигини кўриб турибсиз! **(Қарсаклар).**

Ленинча принциплар Совет Иттифоқининг халқаро сиёсатдаги барча тадбирлари учун асос бўлиб келди ва асос бўлиб қола беради. Совет ташқи сиёсатининг коммунистик қурилиш учун тинч шарт-шароитлар бўлишини таъминлашдан ҳам муҳимроқ вазифаси йўқ. Биз пролетар интернационализминг мустаҳкам негизида социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатларнинг дўстлиги ва бирлигини мустаҳкамлаш учун куч-ғайратимизни аямаймиз. Совет Иттифоқи Осиё, Африка ва Латин Америкасининг империализмга қарши ҳамда мустамлакачиликнинг ҳамма формаларига қарши кураш олиб бораётган халқларига содиқ дўстдир. Биз капиталистик давлатлар билан муносабатларимизда тинч-тотув яшаш принципининг изчил тарафдори бўлиб ҳаракат қилмоқдамиз.

Бизнинг мамлакатимиз, бизнинг халқимиз тинчликни қадрлайди ва тинчлик учун кураш олиб бормоқда. Биз билан дўст бўлишни хоҳлаганлар билан ҳамиша дўст бўламиз. Халқаро кескинликни юмшатиш, давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш манфаатларини ўзларига яқин кўрган кишиларга Совет Иттифоқи ҳар доим вафодор ва ишончли шерик бўлади. Халқаро вазиятни соғлом ламлантириш ишини олга бостириш йўлидаги ҳаракатимизга қўшиладиган барча кишиларга халқларни тўлқинлантираётган туб проблемаларни ҳал этиш йўлларини кидириб топишда биз билан биргалашиб иш кўришни таклиф этамиз. Халқлар Совет Иттифоқини тинчликнинг, милдий озодлик ва социал тараққиётнинг кескин ҳамда қатъий курашчиси, деб биладилар. Бизнинг мамлакатимиз ана шундай тарихий вазифани бажараётганлигини ўзининг ҳамма ишлари билан исботлаб бермоқда. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашлари ўзининг қирқ йиллик байрамини жуда катта муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Сизларнинг муваффақиятларингизга юксак баҳо берилди: республика икки марта Ленин ордени билан мукофотланди. **(Қарсаклар).**

Биз шу нарсага аминмизки, Ўзбекистон республикасининг халқлари Ўзбекистон Коммунистик партияси раҳбарлигида, социалистик қурилишнинг қирқ йиллик тажрибасига таяниб, коммунистик қурилиш ишига бундан буён ҳам муносиб ҳиссаларини қўшадилар. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар, бизнинг олдимизда катта ва олижаноб вазифалар турибди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети ва СССР ҳукумати партиянинг кейинги съездларида қабул қилинган ва КПСС Программасида мустаҳкамлаб берилган партия бош йўлини амалга ошириш соҳасида тинмай иш олиб боришни ўзларининг асосий мақсадлари, деб биладилар. Халқ бахт-саодати тўғрисида доим ғамхўрлик қилиш — партиямиз сиёсатининг асосидир. Бу — барча коммунистларнинг қаерда меҳнат қилишлари, қандай лавозимни эгаллаб туришларидан қатъи назар, олий бурчи ва муқаддас вазифасидир. Ўз мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий ва мудофаа қудратини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш — бизнинг миллий ва айни вақтда интернационал бурчимиздир.

Ўртоқлар, партия билан халқнинг бузилмас бирлиги, коммунизм улуғ идеалларидан илҳомланган совет кишиларининг ижодий меҳнати мамлакатимиздаги барча халқларнинг мустаҳкам, қардошларча дўстлиги ғалабаларимизнинг мустаҳкам гарови, совет халқининг улуғ Ленин партияси раҳбарлигида мамлакатимизда коммунизм қурилиши улуғвор вазифаларини муваффақиятли ҳал этишнинг мустаҳкам гарантиясидир! **(Гулдурос қарсаклар).**

* * *

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига табрикномасини ўқиб беради. Мажлис қатнашчилари бу табрикномани гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

Ягона, катта оилада

(Бошы биринчи бетда)

Машаққатларни енгиб босиб ўтган ҳар бир қадамимиз ижодий, қувончли меҳнат иши бўлиб қоларди. Совет Ўзбекистони совет халқларининг қардош оиласида ўсиб улғайди, куч тўплаб ва вояга етиб баланд кўтарилаверди. Тез босиб ўтилган юксалиш поғоналарига ҳозир биз фахрланиб, қайрилиб қарамоқдамиз. «1924» ва «1964» — бу рақамлар саҳнада Ўзбекистон ССР давлат байроғи рангларини такрорлаётган қизил-кўк алвонлар билан ўраб олинган.

Мамлакатимиз халқларини ягона қардош оила қилиб жипслаштирган Владимир Ильич Ленининг портрети саҳнанинг маркази да нурланиб турибди.

...Эрталаб соат 10. Зал қуёш нурига чўмгандек ёруғ. Бу ерда республиканинг донгдор кишилари тўпланган. Республиканинг ғалаба йўлини биргаликда босиб ўтган ветеранлар ҳам шу ерда. Ўз оталарининг революцион ва меҳнат шуҳратини порлоқ келажакка шараф билан олиб бориш учун кўпайтираётган ёшлар ҳам шу ерда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, министрлар ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари, чет эл журналистларининг катта группаси шу залда ўтиришибди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев, РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. А. Яснов бошчилигидаги Россия Федерациясининг делегацияси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Н. Г. Егоричев бошчилигидаги Москва делегацияси, Ленинград саноат область партия комитетининг биринчи секретари В. С. Толстиков бошчилигидаги Ленинград делегацияси, Иваново саноат область партия комитетининг биринчи секретари И. В. Капитонов бошчилигидаги Иваново делегацияси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. Д. Скаба бошчилигидаги Украина делегацияси, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари П. М. Машеров бошчилигидаги Белоруссия делегацияси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Ю. Юсупов бошчилигидаги Қозоғистон делегацияси, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе бошчилигидаги Грузия делегацияси, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ю. Охундов бошчилигидаги Озарбайжон делегацияси, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Ю. Снечкус бошчилигидаги Литва делегацияси, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюл бошчилигидаги Молдавия делегацияси, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Я. Пельше бошчилигидаги Латвия делегацияси, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев бошчилигидаги Қирғизистон делегацияси, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Р. Расулов бошчилигидаги Тожикистон делегацияси, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Н. Заробян бошчилигидаги Арманистон делегацияси, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. О. Овезов бошчилигидаги Туркманистон делегацияси, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Г. Кэбин бошчилигидаги Эстония делегацияси президиумга чиқишлари билан уларни ҳамма гулдурос қарсаклар чалиб кутиб олади.

КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси раисининг ўринбосари С. М. Веселов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари И. Г. Анисимкин, В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, И. И. Федюнинский, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат Қ. Муртазоев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси О. Содиқов ва бошқалар президиум столи ёнида ўтиришибди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Коммунистик партияси қирқ йиллигига бағишланган тантанали мажлисини КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очади.

Азиз ўртоқлар, дўстлар! — дейди у.— Бугун Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашлари Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг шонли қирқ йиллигини байрам қилмоқдалар.

Мана шу қувончли кунларда халқимиз порлоқ коммунистик идеаллар йўлида олиб борилган курашнинг ва қилинган меҳнатнинг ажойиб якунларини мамнуният билан ва фахрланиб жамламоқда.

Бизнинг юбилейимиз — ўзбек социалистик миллати чинакам барқ уриб яшнаганлигининг ва республикадаги ишлаб чиқарувчи кучлар барқ уриб ўсганлигининг байрамидир, эркин ва бахтли меҳнат байрамидир, экономика ва маданиятнинг ҳамма соҳаларидаги тарихий ғалабалар байрамидир, совет халқлари дўстлиги ва қардошлигининг, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинча миллий сиёсати тантанасининг байрамидир.

Катта ва аҳил оиладаги ҳамма қариндош-уруғлар юбилей тантаналарига тўплангани каби, ўзининг бирлиги ва дўстлиги билан чинакам қондош бўлиб қолган совет қардош халқларининг вакиллари ҳам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси қирқ йиллигининг байрамига тўпланишди.

Ягона она-Ватанимиз — Совет Иттифоқи, ягона йўлбошчимиз — ленинчи коммунистлар партияси, ягона мақсадимиз — марксизм-ленинизм, ягона йўлимиз — коммунизмга олиб борувчи йўл бизнинг дўстлигимизни тош-метин қилиб мустаҳкамлади, бизни абадий қон-қардош қилиб қўйди. Озодлик ва бахтиёрлик учун олиб борилган жангларда биргаликда тўкилган қон бизнинг дўстлигимизни тош-метиндек қилиб мустаҳкамлади, бизларни абадий қон-қардош қилиб қўйди. Совет халқларининг, совет социалистик республикаларининг дўстлиги ва қондошлигидан кўра мустаҳкамроқ дўстлик, яқинроқ қондошлик жаҳонда йўқ.

Биз бир-биримиз билан дўстларча маслаҳатлашамиз, ўйлаб қўйган фикрларимизни қардошларча ўртоқлашамиз, тажрибаларимиз ҳақида таржимонлар ва луғатларнинг иштирокисиз гаплашаверамиз. Бунинг боиси шуки, саодатли тақдир бизларга миллий тиллардан ташқари ҳаммамиз учун иккинчи она тилини, миллатлараро алоқа тили, доҳий Ленин тили, улуғ рус халқининг тилини иккинчи она тили қилиб насиб этдики, бу иккинчи она тилимиз севикли оғамиз ва дўстимиз улуғ рус халқининг, паҳлавон халқининг, ақли доно бўлган, иродаси букилмас, қалби саҳий, қаҳрамон халқнинг тилидир.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бизнинг юбилей тантаналаримизга келганлигидан бениҳоя хурсандмиз.

Барча иттифоқдош республикаларнинг делегациялари, Ватанимиз пойтахти Москванинг, машҳур қаҳрамон шаҳар, Октябрь революциясининг бешинчи Ленинграднинг, кўп йиллар давомида Ўзбекистон саноатининг меҳнаткашлари билан мусобақалашаётган, мана шу традицион социалистик мусобақа туфайли биз билан маҳкам дўст бўлиб қолган Иваново областининг делегациялари республикамизнинг ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилей байрамига келишди ва шу ерда ўтиришибди.

Ўртоқ Рашидов азиз меҳмонларни ва улар орқали барча республикаларнинг — улуғ Советлар мамлакатининг қардош халқларини Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети номидан, республиканинг барча меҳнаткашлари номидан мажлисдагиларнинг қизғин қарсаклари остида чин кўнгилдан табриклайди.

Бизнинг бу тантанали мажлисимизда, дейди у, Ўзбекистон Компартиясининг ветеранлари, Туркистонда Совет ҳокимияти учун, республикамиз халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учун олиб борилган курашларнинг қатнашчилари иштирок этмоқда. Ленин гвардиясининг шонли намояндалари бўлган сизларни қизғин табриклашга, сизларга сиҳат-саломатлик, эўр бахт-саодат тилашга ва ҳамиша бардам бўлиб умр кечириш истагини билдиришга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон ССР составига кирган Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси шу кунларда ўзининг 40 йиллигини нишонлайди. Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми номидан, республиканинг барча меҳнаткашлари номидан юбиляр — қардош қорақалпоқ халқини қизғин табриклашга ва чин кўнгилдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Совет халқларининг оиласи улуғ, уларнинг дўстлиги мустаҳкам, уларнинг қардошлиги абадий ва бузилмас, жонажон партия — улуғ Ленин партияси теварагида уларнинг жипслиги тош-метиндек бақувватдир. Бизнинг кучимиз, бизнинг қудратимиз, бизнинг бахтимиз халқларнинг дўстлигидадир, уларнинг партия билан маҳкам бирлигидадир.

Залда Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР гимнлари улуғвор янграйди.

КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Президиуми ғоят баланд руҳ билан тантанали мажлиснинг фахрий президиумига сайланади.

Мажлисда раислик қилувчи Е. С. Насриддинова КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовга доклад қилиш учун сўз беради. (Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг доклади газетанинг бугунги сонида босилди).

Докладдан сўнг КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежневга сўз берилади. У, Ўзбекистон Коммунистик партиясини ва республиканинг барча меҳнаткашларини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг, СССР Олий Совети Президиумининг ва Министрлар Советининг топшириғига биноан шонли қирқ йиллик билан чин кўнгилдан самимий қутлайди.

(Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи газетанинг бугунги сонида босилди).

(Охири тўртинчи бетда).

Тошкент. 1964 йил 20 ноябрь. Санъат саройи. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ўзбекистон ССР ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси. Суратда: мажлислар зали.

И. Глауберзон фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИЗМГА БОРМОҚДА

ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВ ДОКЛАДИ

Азиз ўртоқлар!

Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Ўзбекистон Коммунистик партиясининг шонли қирқ йиллик юбилейини ажойиб даврда нишонламоқдалар. Бу — кишилик жамияти ҳаётида улуғ ишлар амалга оширилаётган, ғоят чуқур ўзгаришлар қилинаётган даврдир. Маркс—Энгельс — Ленининг абадий барҳаёт таълимоти бутун планетамиз бўйлаб ғолибона одим ташлаётган даврдир.

Қудратли социалистик Ватанимизда мисли кўрилмаган яратувчилик шижоати мавж урмоқда. Совет халқи ер юзида энг адолатли жамият барпо этиш тўғрисида инсоният асрлар бўйи қилиб келган орзуни рўёбга чиқармоқда, бу жамиятнинг номи коммунизмдир.

Биз кенг ва ёруғ йўлдан ажойиб келажак сари бормоқдамиз. Бу йўлни ленинча ғояларнинг сўнмас нури чароғон қилиб турибди. Бу йўлни партия ўзининг XX, XXI ва XXII съездларида коллектив равишда ишлаб чиққан ва КПСС Программасида баён қилинган бош йўлни белгилаб берди.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми ва яқиндагина бўлиб ўтган ноябрь Пленуми съездларнинг қарорларини ва партия Программасини амалга ошириш йўлида муҳим босқич бўлди. Бу Пленумлар КПСС Марказий Комитетининг Ленин васиятларига ғаразсиз садоқатини, унинг коммунистик қурилишга партиянинг раҳбарлик ролини кучайтириш тўғрисида, партия ва давлат раҳбарлигининг синаалган ленинча принципларини оғишмай амалга ошириш ҳақида қилаётган чуқур ғамхўрлигини зўр куч билан намойиш қилиб кўрсатди.

Бутун партия, бутун совет халқи КПСС Марказий Комитети октябрь ва ноябрь Пленумларининг қарорларини якдиллик билан маъқуллаб ва астойдил қувватлаб кутиб олдилар.

Совет кишилари партиянинг ленинча бош йўлини амалга ошириб, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда тобора юксак марраларни эгаллаб бормоқдалар. Мамлакатда совет индустриясининг улкан корхоналари бирин-кетин ишга тушмоқда, социалистик қишлоқ хўжалиги кескин равишда юксалмоқда, коммунистик мўл-кўлчилик дастурхони тўкин бўлиб бормоқда, фан ва маданият борган сайин барқ уриб яшнамоқда.

Ўзбек халқи ҳам барча совет халқлари билан биргаликда коммунизмнинг муҳташам биносини тикламоқда. Социалистик Ватанимиз билан юксак даражада фахрланиш туйғусига тўлиб-тошган республикамиз меҳнаткашлари партия чизиб берган улуғ режаларни рўёбга чиқариш учун фидокорона курашмоқдалар. Улар мана шу юбилей йилини ажойиб ғалабалар билан нишонладилар.

Металлургиянинг ва машинасозлик, энергетиклар ва химиклар, тўқимачилар ва кончилар, саноатдаги ҳамма тармоқларнинг ходимлари юбилейни ишлаб чиқариш программаларини муддатидан олдин бажариш билан кутиб олдилар. Улар шу йилнинг ўн ойи ичида пландан ташқари неча ўн миллион сўмлик маҳсулот бердилар. Бинокорларимиз йирик саноат, сув хўжалиги ва маданий-маиший объектларни муваффақиятли суратда қуриб битказиш ва фойдаланишга топшириш билан Ватанни хурсанд қилдилар.

Республика қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари — ғаллакорлар, лубкорлар, пиллачилар, чорвадорлар, сабзавотчилар ва боғбонлар ўзларининг социалистик мажбуриятларини муваффақият билан бажардилар.

Бу йил Ўзбекистон дон тайёрлаш планини 2,5 баравар ошириб бажарди ва давлат омборларига 38 миллион пуд дон тўкиб қўйди. Бу 1961 йилдагидан 7,5 баравар кўпдир.

Давлатга луб экилари пояси сотиш йиллик плани 103 процент, пилла сотиш плани 104 процент, қоракўл тери сотиш плани 110 процент, тухум сотиш плани 102 процент бажарилди. Республика гўшт тайёрлашни ўтган йилги даражадан 20 процент, сут тайёрлашни 10 процент оширди.

Умумиттифоқ фондига мева етказиб бериш плани 100 процент, полиз маҳсулоти етказиб бериш плани 180 процент, сабзавот етказиб бериш плани эса 205 процент адо этилди.

Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари ўзларининг энг муҳим ватанпарварлик ва интернационал бурчларига бўлган садоқатни муқаддас сақлаб, пахта етиштиришни узлуксиз суратда кўпайтирмоқдалар. Улар мамлакатни мана шу энг қимматли хом ашё билан таъминлашни ўзларининг бош вазифалари деб билмоқдалар.

Республика пахтакорлари бу йилги катта қийинчиликларни муваффақият билан енгиб, мўл ҳосил етиштирдилар ва пахта тайёрлаш давлат планини 17 ноябрда шараф билан адо этдилар. Ҳозирги кунгача давлатга 3 миллион 520 минг тоннадан кўпроқ пахта сотилди, яъни план 102 процент бажарилди.

Қашқадарё, Тошкент, Фарғона ва Андижон областлари пахта тайёрлаш планини анча ошириб бажардилар. Киров (Фарғона области), Ғузор, Задарё, Қарши, Ўзбекистон, Косон, Оққўрғон, Поп, Нурота, Калинин, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Ленинград, Москва, Янгийўл, Яккабоғ, Бўка, Чуст, Балиқчи, Жиззах, Марҳамат, Хўжаобод, Избоскан, Учқўрғон, Андижон, Наманган, Бекобод, Қўрғонтепа, Чироқчи, Гулистон, Янгиер, Хўжайли, Нарпай, Олтиариқ, Қува, Вобкент, Янгиқўрғон, Шўрчи, Охунбобоев, Янгиариқ, Денов, Сариосиё, Шаҳрисабз, Самарқанд, Сирдарё, Қўнғирот, Ромитан ва Кегайли районлари пахта тайёрлаш давлат планларини тўла ва ошириб бажардилар.

Сурхондарё, Сирдарё, Бухоро, Хоразм, Самарқанд областлари ва Қорақалпоғистон АССР планларини бажариш арафасида турибдилар.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг бу йил қўлга киритган меҳнат зафарлари республиканинг қирқ йиллик йўлига муносиб якун ясамоқда. Бу муваффақиятлар ўзбек халқи совет халқларининг қардошлик оиласида жонажон партия ва унинг ленинча Марказий Комитети раҳбарлигида коммунизмнинг порлоқ чўққилари томон комил ишонч билан бораётганлигидан яққол далолат бериб турибди.

Ўртоқлар! Қирқ йил халқлар тарихида унча катта муддат эмас. Лекин барча қардош республикалар қатори Совет Ўзбекистони ҳам социалистик тузумнинг афзалликлари ва ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси туфайли ана шу қисқа давр ичида тараққиёт йўлида шу қадар юксалиб кетдики, буни ўтмишда минг йилларда ҳам қилиб бўлмас эди.

Ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихи ва маданияти бор. У, жаҳонга ўтмишда Хоразмий, Бируний, Навоий, Улуғбек ва бошқа шу каби кўпгина истеъдодли олимлар ва мутафаккирларни берди, ўз ичидан шундай ажойиб меъморларни етиштириб чиқардики, улар бино қилган архитектура иншоотлари одамларни ҳозиргача ҳам қойил қолдирмоқда. Бизнинг ўлкамиз ер шаридаги энг қадимги суғориладиган деҳқончилик районларидан биридир.

Лекин ижтимоий ҳаётнинг феодал негизлари туфайли халқ оммаси асрлар мобайнида қашшоқлик ва нодонликда яшаб, ҳору зорликда қолиб келди. Ўлкада ишлаб чиқаришнинг феодал-патриархал усули ҳукмронлик қилди. Ўзбекистон техникавий-иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда қолоқ ўлка бўлиб, аҳолиси деярли ёппасига саводсиз эди.

Улуғ Октябрь тонги ўзбекларнинг уйига бахт-саодат олиб келди. Абадий барҳаёт Ленин, у туғган партия ана шу тонг нурини ёқдилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари қалбида жонажон Коммунистик партияга, доҳийимиз ва устозимиз Владимир Ильич Ленинга муҳаббат ва қизғин миннатдорчилик алангаси абадий ёна беради.

В. И. Ленин Октябрь революциясидан анча олдиноқ Туркистон ўлкасидаги халқлар озодлик курашининг боришини зийраклик билан кузатиб турди, бу ерда марксизм идеяларини пропаганда қилишни кучайтириш ва кенг оммани революцияга уйғотиш чораларини кўрди. Ўрта Осиёда давлат, иқтисодий ва маданий қурилишга доир энг муҳим масалаларнинг ҳаммаси В. И. Ленин раҳбарлиги остида ишлаб чиқилди.

В. И. Ленин ташаббуси билан 1918 йилда Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси тузилди. Туркистон халқларининг ички ва ташқи контрреволюцияга қарши олиб борган курашида уларга иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан ҳар тарафлама ёрдам беришни уюштириш Ленин номи билан боғланғандир. Ўрта Осиё халқларининг Россия Федерацияси меҳнаткашлари билан жуда яқин ҳарбий-иқтисодий иттифоқда бўлганликлари уларнинг 1920 йилда бу ерда истибдоднинг сўнгги таянчларини, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини йўқ қилишларига, Бухоро ва Хоразмда халқ совет республикалари тузиб олишларига ёрдам берди.

Шуниси диққатга сазоворки, 1922 йилда Ленининг ўзи Хоразм Халқ Совет Республикасининг юксак мукофоти — Меҳнат ордени билан биринчи бўлиб тақдирланган эди. Хоразм республикаси Марказий Ижроия Комитетининг В. И. Ленинга юборган мактубида бундай дейилган эди: «Сиз, азиз ва севикли устозимиздан мана шу ордени қабул қилиб олмоғингизни... ҳамда кўп асрли қуллиқдан сўнг Шарқда меҳнат озодликка эришганлигининг рамзи сифатида уни тақиб юрмоғингизни илтимос қиламиз».

Умумхалқнинг В. И. Ленинга муҳаббати ва унинг Шарқ халқларини озод қилишдаги жуда катта ролини умум эътироф этганлиги бу ҳужжатда ўзининг ғоят ёрқин ифодасини топди.

Ленин, партия Ўрта Осиё халқларини социалистик миллатларга айлантириб, жипслаштириш учун уларга барча зарур шарт-шароитларни ҳозирлаб бердилар. 1924 йил 27 октябрда Совет Ўрта Осиёси миллий-давлат чегараларига ажратилганлиги натижасида суверен давлат — Ўзбекистон ССР ташкил топиб, тенг ҳуқуқлилик асосида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи составига кирди.

1925 йил февраль ойида Ўзбекистон Коммунистик партияси таркиб топди. У тош-метиндек мустаҳкам ленинча таълимот негизида вужудга келди. Мана энди қирқ йилдан буён Ўзбекистон Компартияси ўзининг бутун фаолиятида улуғ Ленин васиятларига оғишмай амал қилиб келмоқда, КПССнинг жанговар отрядларидан бири ҳисобланади. У, КПСС Марказий Комитети раҳбарлигида республика меҳнаткашларини социализм ва коммунизм қуришдан иборат ленинча планни амалга ошириш йўлида қаҳрамонона меҳнат қилишга отлантирди.

Совет Ўзбекистони ўзининг қирқ йиллик юбилейига ижодий кучлари барқ уриб яшнаган ҳолда келди. Ўтган қирқ йил ичида Ўзбекистонда ўз миқёслари ва аҳамияти жиҳатидан мисли кўрилмаган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ўзгаришлар содир бўлди. Бизнинг республикамиз экономика ва маданиятни ривожлантиришда жаҳонни қойил қолдирадиган муваффақиятларга эришди.

Революцияга қадар Ўзбекистон чоризмнинг мустамлакаси эди. Бизнинг юртимизга ўтмишда, ҳатто мих ҳам олис-олис ерлардан олиб келинар эди. Ҳозир эса Ўзбекистонда саноатнинг юздан ортиқ тармоғи мавжуд бўлиб, у жаҳондаги 58 мамлакатга ўз маҳсулотини экспорт қилмоқда. Совет Ўзбекистонида ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойдаланмаётган жой мамлакатимизда йўқ.

Бизда улкан химия, кўп тармоқли машинасозлик, нефть, энергетика, кўмир, газ, кон-руда, металлургия, электротехника, енгил, озиқ-овқат саноати ва бошқа саноат тармоқлари, қурилиш индустрияси барпо этилди ва тез ривожланмоқда. Республикада мингдан ортиқ йирик корхона мавжуд бўлиб, улар ғоят унумли ишлайдиган замонавий ускуналар билан қуроллантирилди.

Илгари зулмат ҳукм сурган жойларда ҳозир Фарҳод ва Оҳангарон, Тошкент ва Навоий, Фарғона ва Тахиатош электростанциялари, Чирчиқ каскадидаги ГЭСларнинг нурли чироқлари ёниб турибди. Ўтмишда ҳувиллаб ётган жойларда ҳозир кечасию кундузи станоклар билан турбиналар гувиллаб ишламоқда, мартен ва мис эритувчи печлар ловиллаб ёнмоқда, карьерлар гумбур-гумбур портлатилиб, қора ва рангли металлар рудаси чиқарилмоқда.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш нақадар мисли кўрилмаган суръатлар билан ўсиб бораётганлигини айтмайсизми! Қирқ йил ичида саноат маҳсулоти 63 баравар кўпайди. Айни маҳалда нефть ишлаб чиқариш 299 баравар, пахта толаси ишлаб чиқариш 15 баравар, хом ипак 106 баравар, электр энергияси ҳосил қилиш эса 530 баравар ортди. Совет замонида барпо этилган саноат тармоқларининг ҳаммаси ҳам ана шундай жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ўзбекистон саноат ялпи маҳсулотини ўстириш суръатлари жиҳатидан Шарқдаги чегарадош давлатлар у ёқда турсин, ҳатто Ғарбий Европадаги энг тараққий этган капиталистик мамлакатлардан ҳам анча ўзиб кетди.

Сўнгги йилларда республикадан топилган йирик табиий газ конлари негизида тез ривожланиб бораётган газ саноати Ўзбекистоннинг иқтисодиётидир. Газ чиқариш 1940 йилдагига нисбатан 4.270 баравар кўпайди. Газ эса ҳам арзон ёқилғи, ҳам жуда яхши химиявий хом ашёдир.

Ўзбекистон табиий гази пахта билан бир қаторда ўзбек халқи билан улуғ рус халқи ва бошқа қардош халқлар ўртасида узлуксиз мустаҳкамланиб бораётган дўстликнинг символи ва моддий ифодаси бўлиб қолди. Ўтган йили жаҳонда энг йирик Бухоро—Урал газ қувури қардош республикалардаги меҳнаткашларнинг биргаликда сарфлаган куч-ғайратлари туфайли қуриб битказилди. Энди бу қувурнинг пўлат шохоб чаларини индустриал Уралнинг азамат меҳнаткашларига арзон зангори ёқилғи, у билан бирга эса Ўзбекистон меҳнаткашлари сахий қалбининг ҳароратини элтмоқда.

Серқуёш Ўзбекистон билан салобатли Уралнинг қорли тизма тоғлари орасида минглаб километр масофа ётади. Лекин биз Бухоро газида ишлаётган Уралдаги завод ва электростанциялардаги турбиналар билан станокларинг, мартенлар билан домналарнинг гулдурагида совет халқларининг муқаддас дўстлиги қудратли гимнининг садосини эшитиб турибмиз.

Республикада капитал қурилиш мисли кўрилмаган миқёсларда кенг авж олдирилди. Бизда индустриянинг янги гигантларигина эмас, балки. бутун-бутун шаҳарлар бунёдга келиб, улар йирик саноат марказлари, маъмурий ва маданий марказлар бўлиб қолди. Чирчиқ ва Навоий, Ангрен ва Янгиобод, Олмалиқ ва Бекобод, Гулистон ва Янгиер, Ленинск ва Янгийўл. Нукус ва Хўжайли, Когон ва Денов, Чимбой ва Қувасой, Тахиатош ва Бируний, Қўнғирот ва Мўйноқ шаҳарлари ана шулар жумласидандир.

Республикамиз пойтахти Тошкент, область марказлари Самарқанд ва Фарғона, Бухоро ва Андижон, Урганч ва Термиз, Қарши ва бошқа кекса шаҳарларимиз совет даврида ажойиб равишда яшариб, уларнинг қиёфаси нақадар ўзгариб кетди! Уларнинг кўркига кўрк қўшилди, ҳам энига, ҳам бўйига қараб ўсди, янги қурилишларнинг ҳавозалари билан ўраб олинди. Бу шаҳарларда янги йирик саноат корхоналари, уй-жой массивлари, кўркам иморатлар, проспектлар, боғ ва парклар бунёдга келди.

Республикада темир йўл магистраллари ва автомобиль йўллари минглаб километрга чўзилди, мамлакатнинг ҳамма томонларига ва кўпгина чет давлатларга ҳаво йўллари очилди. Бизда замонавий алоқа воситаларининг ҳамма турлари муттасил ривожланиб бормоқда.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида республикада инженер ва техниклар, конструкторлар, ишлаб чиқариш командирлари, малакали ишчилардан иборат ажойиб мутахассисларнинг кўпминг кишилик армияси ўсиб камол топди. Корхона ва қурилишларда ватанпарварларнинг коммунистик меҳнат ҳаракати кенг авж олиб кетди. Бизда одамларнинг меҳнатдаги қаҳрамонлиги чинакам оммавий тус олди. Биз Икром Акмалов, Хўжа Алиқулов, Мария Базиева, Абдушукур Қодиров, Надежда Воспитанникова, Абдуманнон Мамажонов, Степан Карталов, Обид Нурматов, Татьяна Кардаш, Саид Нуриддинов, Абдулла Воҳидов, Ҳайрулла Темиров, Наталья Удалова, Эргаш Ҳикматов, Марҳамат Йўлдошева, Ҳожи Қосимов, шу каби юзлаб ва минглаб бошқа саноат ишлаб чиқариши новаторларининг номларини меҳр билан тилга оламиз. Улар меҳнатга чинакам коммунистик муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатмоқдалар.

Илғорларимизни, Ўзбекистоннинг бутун шонли ишчилар синфини республика индустриясини ривожлантиришда қўлга киритилган катта-катта муваффақиятлар билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети номидан қизғин табриклашга ҳамда ғўзал социалистик Ватанимиз бахт-саодати йўлида уларга чин кўнгилдан янги ажойиб зафарлар тилашга рухсат этгайсиз.

Ўтган қирқ йил ичида Ўзбекистон эли тамомила ўзгариб кетди. Ўтмишда ҳувиллаб ётган даштбиёбонлар ўрнида гулистон воҳалар ва аҳоли яшайдиган обод пунктлар бунёдга келди. Ўзбек қишлоғининг қиёфаси, деҳқонларимизнинг турмуш ва иш шароитлари тамомила ўзгариб кетди. Қишлоқликка тушиб қолган майда деҳқон хўжаликлари ўрнида юксак даражада механизациялашган йирик колхоз ва совхозлар қад кўтарди. Улар иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда, хўжаликни интенсивлаш асосида бошқармоқда, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирмоқда.

Маълумки, ерни сув билан таъминлаш Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун биринчи даражали аҳамиятга эга. Халқимизда қадимдан «Ер — хазина, сув — гавҳар», «Ер сув билан тирик» деган нақл бор. Ўрта Осиё кишилари орасида сув ҳақидаги орзу авлоддан авлодга кўчиб келган. Халқ сув орзусида қўшиқлар ва афсоналар тўқиган. Фақат Советлар ҳокимиятигина бу ҳаётий муҳим масалани ҳал қилиб берди.

1918 йил май ойида, яъни ёш Советлар Республикаси интервентлар билан оқгвардиячиларнинг оловли халқаси орасида қолган пайтлардаёқ қадрдонимиз Ильич Туркистондаги суғориш ишларига 50 миллион сўм маблағ ажратиш тўғрисидаги декретни имзолади. Ленининг бу декрети Ўзбекистонда суғориш ишларини кенг ривожлантиришга асос солди.

Асрлар бўйи жиғанача бўлиб ётган ерларда ҳозир йирик сув омборлари ва суғориш каналлари жавлон урмоқда. Совет ҳокимияти йилларида республикада замонавий гидротехника иншоотларининг кенг шохобчаси барпо этилди. Ҳозирги вақтда бизда 900 га яқин суғориш системаси ишлаб турибди. Ер шаридаги йирик миқёсларда суғориш ишларини олиб боратётган мамлакатлар орасида Ўзбекистон сувли ерларнинг майдони жиҳатидан олдинги ўринлардан бирида туради. Катта ҳажмдаги ирригация ишлари амалга оширилганлиги туфайли Ўзбекистонда экин майдонлари 1913 йилдагига нисбатан бир миллион гектардан зиёд ёки бир ярим баравар, шу жумладан пахта майдони 3,8 баравар кенгайди.

Қўриқ ерлар экин майдонларини анчагина кўпайтиришга имкон берди. Қўриқ ерликларимиз чинакам қаҳрамонлик кўрсатишди. Улар илгари Мирзачўлда, Далварзин, Учқўрғон, Қарши ва Шеробод чўлларида, Марказий Фарғонада ва Амударё этакларида бўш ётган неча юз минг гектар ерларни ҳосил беришга мажбур этишди. Ана шу жойларда ихтисослаштирилган ўнлаб янги йирик совхозлар ташкил қилинди.

Одамлар асрлар бўйи Мирзачўлнинг — сув ва ҳаётдан маҳрум бўлган ана шу бўм-бўш, жингиртоб ернинг юзини кўрмасликка ҳаракат қилар эдилар. Ҳозир эса шу чўлга совет кишисининг қўли текканидан кейин яқинда ўша ерда бўлган австралиялик ёзувчи Алан Маршаллнинг тасвирли ибораси билан айтганда, у Боғи Эрамга айланиб кетди. «Мирзачўлнинг ўзлаштирилганлиги, — деди у, — совет кишилари кўрсатган энг буюк шижоаткорликлардан биридир, бунга ақл деярли бовар қилмайди. Бу деярли мўъжизага ўхшайди!»

Республикада деҳқончилик маданияти беқиёс даражада ошди. Ҳозир деҳқончилик маданияти илғор агротехникага мустаҳкам таянмоқда. Ўзбекистон деҳқонлари химиянинг ва замонавий қишлоқ хўжалик машиналарининг қудратли кучини яхши билиб олдилар. Химия ва замонавий қишлоқ хўжалик машиналари пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш учун курашда деҳқонларнинг доимий йўлдоши бўлиб қолди.

Пахтакорларнинг ўтмишдаги оғир ва уқубатли меҳнати колхоз ва совхозлар техника билан юксак даражада қуроллантирилаётганлиги туфайли тобора кўплаб машиналар елкасига юклаб қўйилмоқда. Эндиликда бизда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги сермеҳнат ишларнинг кўпи машиналаштирилган. Пахта ҳосилини териб олиш батамом машиналаштириладиган вақт ҳам узоқ эмас. Бу йил 800 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» машиналарда терилди. Бу, 1958 йилдагидан 13 баравар кўпдир.

Ўзбекистон мамлакатнинг асосий пахта базасига айланди. Бутун Иттифоқда етиштирилаётган ана шу энг қиммати хом ашёнинг 71 процентини Ўзбекистон бермоқда.

Бизда дон хўжалиги кескин равишда юксалмоқда. Комсомолларимиз, азамат ёшларимиз бу ишда ҳал қилувчи роль ўйнашди.

Чорвачилик ҳам юксалиб бормоқда. 1925 йилдагига нисбатан республикада ҳамма турдаги чорва моллар туёғи 5 миллион 860 минг бош кўпайди, гўшт, сут ва тухум етиштириш бир неча баравар ошди. Қоракўл тери, пилла, сабзавот, мева, узум етиштириш анча кўпайди.

Қишлоқ хўжалигида агрономлар, инженерлар, ирригаторлар, зооветеринария ходимлари, колхоз ва совхоз чўпонлари чиқаришининг яхши ташкилотчилари синфи ажойиб кадрлар ўсиб етишганлиги ҳаммамизни айниқса қувонтирмоқда. Уларнинг орасида номи фақат республикада эмас, унинг ташқарисида ҳам кенг машҳур бўлган мўл ҳосил усталари, донгдор механизаторлар, чорвачилик илғорлари кўп. Ҳамроқул Турсунқулов, Ман Гим Хван, Турсунбой Латипов, Ким Пен Хва, Узоқ Саримсоқов, Валентин Тюпко, Турсуной ва Инобат Охуновалар, Жавод Кўчиев, Ризамат ота Мусамуҳаммедов, Жабой Балимонов, Маннон Жалолов, Люба Ли, Мамажон Дадажонов, Искандар Юсупов, Қурбон Кенжаев, Норгул Жумаева, Шомурод Мусаев, Ғилжон Нуруллаева, Олияхон Султонова, Борис Тихомиров, Ҳурмат Тешаева, Қувондиқ Абдураззоқов, Анастасия Чудная ва бошқа минглаб кишилар шулар жумласидандир.

Донгдор машъалларимизни, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг ҳамма меҳнаткашларини, сув хўжалиги ходимларини эришилган муваффақиятлар билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети номидан қизғин табриклашга ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини яратиш йўлида уларга ғалаба ёғдиришини, шонли ишлаб чиқаришлар тилашга рухсат этгайсиз.

Бизда маданий қурилиш соҳасида ажойиб ўзгаришлар рўй берди. Ҳозирги Ўзбекистон — мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари, маданият муассасаларининг кенг шохобчаси билан қопланган, ёппасига саводхон республикадир.

Илгари Ўзбекистонда битта ҳам олий ўқув юрти йўқ эди, ҳозир эса 2 та университетимиз ва 29 та институтимиз бор, уларда 140 минга яқин студент ўқимоқда. Ўзбекистон ССР ҳар 10 минг аҳолига тўғри келадиган студентлар сони жиҳатидан Франциядан қарийб 3 марта, Англиядан 3 мартадан зиёд, ГФР ва Италиядан 3,5 марта ва АҚШдан анча ўзиб кетди.

Республикада Фанлар академияси ва 132 та илмий муассаса бор. Тошкентда барпо этилган атом реактори билан ядро физикаси институти Ўзбекистонда фан ва техника гуркираб равнақ топганлигининг тимсолидир. Ҳозир бизда 15 минг илмий ходим, шу жумладан 270 фан доктори ва 3 мингдан ортиқ фан кандидати бор. Улар халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга бўлган муҳим илмий проблемаларни ишлаб чиқишмоқда.

В. И. Ленин йўлланмаси билан республикамизга келган атоқли рус олимлари Ўзбекистонда илм-фанни ривожлантиришда айниқса муҳим роль ўйнашганини бугун биз чуқур мамнуният билан таъкидлаймиз. Улар Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ бизда фаннинг ҳамма тармоқларини гуркиратиб яшнатиш ва миллий кадрлар тайёрлаш учун мустаҳкам пойдевор қўйдилар.

Республикада матбуот, радио ва телевидение кенг ривож топди. Ўзбекистонда адабиёт ва санъатнинг ҳамма турлари гуллаб-яшнади, янги, социалистик мазмун билан тўлди, жанр ва формалари жиҳатидан беқиёс даражада бойиб кетди. Республикада талантли ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, кино ва театр ходимлари плеядаси ўсиб етишди, уларнинг ижоди халқ орасида кенг шуҳрат қозонди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ниҳоятда катта ютуқларга эришилди. Революцияга қадар Ўзбекистонда атиги 976 ўринга мўлжалланган 63 та касалхона бор эди. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида республикада кишилар саломатлигини сақлашнинг чуқур ўйлаб тузилган социалистик системаси барпо этилди ва ҳар томонлама ривожлантирилди, бутун аҳолининг бепул даволаниши ва профилактика ёрдамидан баҳраманд бўлиши учун кенг йўл очиб қўйилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети номидан фан, маданият ва соғлиқни сақлаш системасининг ҳамма арбобларига қизғин табриклар йўллашга ҳамда уларнинг коммунизм тантанаси йўлидаги олижаноб ишларида янги-янги ижодий ютуқлар тилашга ижозат бергайсиз.

Республика экономикаси ва маданиятининг гуркираб ривожланганлиги меҳнаткашлар оммасининг моддий фаровонлигини узлуксиз равишда оширишни таъминлади. Бизда миллий даромад, ижтимоий истеъмол фондлари, товар оборoти, ишчилар, колхозчилар ва хизматчиларнинг реал даромадлари муттасил ошиб бормоқда, уларнинг уй-жой, маиший шароитлари яхшиланмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида ҳаёт, турмушнинг бутун уклади ва кишиларнинг дунёқарашлари тубдан ўзгариб кетди. Бизда идеалларимиз олижаноб, савияси кенг, ҳаётбахш совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм, коллективчилик, ўртоқлик ва қардошлик, ижтимоий бурчга содиқлик сингари олижаноб туйғуларга эга бўлган янги одам ўсиб, камол топди. Марксча-ленинча дунёқараш кишиларимиз маънавий ҳаётининг негизи, янги дунё учун курашда уларнинг ғоявий қуроли бўлиб хизмат қилмоқда. Илгари кишиларнинг ҳаёти ва турмуши, уларнинг ўзаро муносабатлари шариат қонунлари ва қурён оқидалари билан белгилаб келинган бўлса, энди коммунизм қурувчиси ахлоқ кодексининг юксак маънавий принциплари негизига қурилмоқда.

Совет Шарқи хотин-қизларининг озодликка чиқарилганлиги, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб қилинганлиги социалистик революциянинг энг буюк ғалабаларидан биридир. Ўтмишда ҳақ-ҳуқуқсиз, нодон ҳисобланган, ташқи дунёдан айириб қўйилган, феодализм девори ва паранжи туфайли қўйнинг юзини кўрмаган ўзбек аёллари ҳозир ижодий бунёдкорликнинг ёруғ йўлига чиқиб олди, коммунизмнинг актив қурувчиси бўлиб қолди.

Республика халқ хўжалигида ишлаб турган ҳамма кишиларнинг 40 проценти хотин-қизлардан иборат. Уларнинг кўпи корхона директорлари, инженер, колхоз ва совхозларнинг, партия ва давлат органларининг раҳбарлари бўлиб ишламоқда. Аёллар орасида фан докторлари ва кандидатлари, профессор ва доцентлар оз эмас.

В. И. Ленининг хотин-қизларни давлатни бошқаришга жалб этиш тўғрисидаги орзуси рўёбга чиқди. Ҳозир аёллардан 157 киши СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, 30 мингдан ортиқ киши маҳаллий Советларнинг депутатларидир.

Азамат меҳнаткаш хотин-қизларимизни, оналаримизни уларнинг эзгу умидлари ва орзу-истаклари рўёбга чиққанлиги билан чин кўнгилдан қутлашга ва коммунизм қурилишида актив қатнашиб келаётганликлари учун уларга ўзимизнинг самимий миннатдорлигимизни изҳор қилишга рухсат бергайсиз.

В. И. Ленин қолоқ мамлакатлар илғор мамлакатлардаги пролетариат ёрдами билан капиталистик ривожланиш босқичини четлаб, совет тузумига ва тараққиётнинг муайян босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкинлигини доҳиёна равишда олдиндан кўрган эди. Ўзбекистон мисоли В. И. Ленининг бу башороти тўғрилигини яққол исботлаб турибди. Партиянинг иродаси билан, халқнинг кучғайрати билан Ўзбекистон Совет ҳокимияти йиллари мобайнида социализмнинг Шарқдаги ёрқин машъалига айланди.

Яқинда Ўзбекистонга келиб кетган Ҳиндистоннинг таниқли жамоат арбоби Сэт Тандон республикамиз тўғрисидаги ўз таассуротларини қуйидагича баён қилди: «Совет ҳокимияти йиллари мобайнида ўзбеклар диёрида қилинган баҳодирона ишни шунга ўхшаш бирон иш билан таққослаб кўриш мумкин бўлмаса керак, чунки, ҳатто Оловиддиннинг «сеҳрли чироғи» ёрдами билан ҳам бундай тарақ қиётга эришиш қийин. Бу фақат социализм деган ажойиб ном билан аталган социал тузумнинг қўлидан келади, холос».

Соғлом фикр юритаётган, ҳаётимизга, ғўзал воқелигимиздаги фактларга объектив баҳо бераётган кишиларнинг ҳаммаси ҳам буни эътироф этмоқда.

Бугун, юбилей тантаналаримиз кунида, босиб ўтилган йўлга назар ташлар эканмиз, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинча йўлининг ҳаётбахш бунёдкор кучи ана шу ажойиб воқелигимизда тамомила ёрқин намоён бўлганлигини яққол кўриб турибмиз. Жонажон партия, унинг ленинчи Марказий Комитети донолик билан қилаётган раҳбарликнинг самаралари бу воқеликда ўзининг жонли ифодасини топган.

Бу самаралар халқ оммасининг активлиги мисли кўрилмаган даражада ошиб кетганлигида ва уларнинг ижодий тафаккури журъаткорона равишда юксалиб бораётганлигида кўриниб турибди.

Бу самаралар тинч осмонимизнинг беғубор мовийлигида ва мислсиз яратувчилик пафосида кўриниб турибди.

Бу самаралар очилган миллионмиллион гектар қўриқ ерларда ва янги қурилишларнинг ҳавозаларида кўриниб турибди.

Бу самаралар атом турбиналарининг бир меъёрдаги гувуллашида ва космик кемаларнинг шиддатли парвозларида кўриниб турибди.

Бу самаралар қўлда яратилган денгизларнинг мавжида ва магистрал каналларнинг равон оқишида кўриниб турибди.

Бу самаралар ўзининг электростанцияларнинг чироқлари нурида ва улкан химиянинг салобатли одимида кўриниб турибди.

Бу самаралар шаҳарларимиз, ишчи посёлкаларимиз ва колхоз қишлоқларимизнинг бир меъёрдаги томир урушида, совет республикаларининг беқиёс равнақида кўриниб турибди.

Бу самаралар совет халқларининг бирлиги ва қардошлигида, уларнинг бузилмас дўстлигида кўриниб турибди.

Бу самаралар совет кишилари бутун ҳаётининг шодиёнасида, уларнинг бахтли қисматларида, ажойиб бугунги турмушимиз ва бундан ҳам ғўзал келажагимизда кўриниб турибди.

Ана шу ҳаётбахш самаралар КПССнинг янги Программасида ўзининг энг олий ифодасини топди. Ҳақли суратда йиғирманчи асрнинг Коммунистик манифести деб аталган партия Программаси бизни бахтли келажакка олиб борувчи йўлни машъалдек ёритиб турибди.

Ўртоқлар! Ҳамма ютуқларимиз ва ғалабаларимиз совет халқи меҳнатда ва жангда кўрсатган шижоаткорликнинг натижасидир. Бу ютуқларга биз, аввало, ўзимизнинг шонли Коммунистик партиямиз — улуғ Ленин партияси туфайли эришдик.

Мана шу жонажон партиямиз Ўрта Осиё халқларини асрий жабр-зулмдан озод қилиб, уларни эркин тарихий тараққиётнинг кенг йўлига олиб чиқди.

Мана шу жонажон партия Ўрта Осиё республикаларининг ягона кўп миллатли социалистик давлатга бирлашишларига ҳамда тенг ҳуқуқли совет халқларининг аҳил оиласида гуркираб равнақ топиш йўлига кириб олишларига ёрдам берди.

Жонажон партиямиз бутун

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИЗМГА БОРМОҚДА

ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВ ДОКЛАДИ

(Боши учинчи бетда).

Ўзбек халқининг ҳаётидаги қувончли ўзгаришлар, республикамиз экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда эришилган жуда катта муваффақиятлар барча қардош совет халқлари ва, аввало, оғамиз улуғ рус халқи кўрсатган жуда катта бебаҳо ёрдам туфайли қўлга киритилди.

Ўзбек халқи шу билан бахтиёрки, у бундан юз йил муқаддам улуғ Россия билан — Ломоносов ва Радишчев, Пушкин ва декабристлар, Чернишевский ва Добролюбов, Некрасов ва Горький Россияси билан, жаҳонга улуғ Ленинни берган ва шонли Коммунистик партияни тарихий кураш майдонига олиб чиққан Россия билан бирлашган эди.

Чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига қарамай, ўн тўққизинчи аснинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиб олиниши объектив прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Бу қўшилишнинг энг муҳим прогрессив оқибати шундан иборат бўлдики, социализм идеялари бизнинг ўлкамизга ёйилди, маҳаллий меҳнаткашларнинг миллий озодлик ҳаракати Россия революцион ҳаракати билан бир оқим бўлиб қўшилиб кетди.

Ўзбек халқининг рус халқи билан муқаддас дўстлиги синфий жанглар ўти ичида, чор самодержавиесига қарши, капиталистлар ва помешчиклар, феодаллар ва бойлар зулмига қарши, чет эл интервентлари ва ички контрреволюцияга қарши биргаликда олиб борилган кураш алангасида, янги ҳаёт қурилишида ўсди ва мустаҳкамланди. Россиянинг неча минглаб шонли фарзандлари ўзбек халқининг бахт-саодати ва равнақи учун курашда ўз жонларини фидо қилдилар.

Революциядан илгариги Туркистондаги рус большевикларининг номлари халқнинг миннатдор хотирасида абадий сақланиб қолади. Рус большевиклари ленинча ҳақиқат сўзларини ўлкамизга биринчи бўлиб олиб келдилар, меҳнаткашлар ўртасида социалистик идеология уруғини сочдилар, уларни ўзларининг инсоний ҳуқуқлари учун кураш олиб боришга ўргатдилар.

Ўрта Осиёда Октябрь революциясининг ғалабаси учун ва Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун мардона курашган кишилар, шонли Туркистон комиссарлари, партия ва рус халқининг содиқ фарзандлари Н. В. Шумилов, А. Я. Першин, В. Д. Вотинцев, Е. П. Дубицкий, М. С. Качуринер, В. Н. Финкельштейн, А. Н. Малков, Д. Г. Шпильков, М. Троицкий, В. Д. Фигельский, И. П. Фоменко, А. В. Червяков, С. П. Гордеев, Г. И. Лугин ва бошқаларнинг номлари ўзбек халқининг хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди.

Ўзбек халқи Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда, ўлкада ёш партия ташкилотларини вужудга келтириш ва мустаҳкамлашда жуда катта роль ўйнаган М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Г. К. Оржоникидзе, М. И. Калининларнинг номларини ва партиянинг бошқа атоқли арбоблари номларини ҳар доим чуқур миннатдорчилик билан тилга олади.

Биз Туркистондаги гражданлар уруши фронтларида қаҳрамонона жанг қилган, босмачи шайкаларни тор-мор қилишда актив қатнашган атоқли совет ҳарбий саркардалари С. М. Буденний, В. Д. Соколовский, И. Е. Петров, П. И. Дибенко, А. И. Тодорский ва донги кетган бошқа машҳур командирлар ажойиб плеядасини асло эсдан чиқармаймиз.

Ўзбек халқининг содиқ фарзандлари Мирзаахмад Мирходиев, Назир Тўрақулов, Низомиддин Хўжаев, Иўлдош Охунбобоев, Ҳамза Ҳакимзода, Миркомил Миршаропов, Акмал Икромов, Собир Юсупов, Абдулла Раҳимбоев, Очил Бобожонов, Султонхўжа Қосимхўжаев, Дўст Устабоев, Абдулла Набиев ва бошқа кўп кишилар Ленининнинг, партиянинг, улуғ рус халқи ва бошқа қардош халқларнинг вакиллари билан бир ёқадан бош чиқариб, Совет ҳокимияти учун жанг қилдилар, ўлкамизда янги ҳаёт барпо қилдилар. Бизнинг халқимиз уларнинг хизматларига юксак баҳо беради.

Ўзбекистон меҳнаткашлари шу кунларда рус халқининг пўлат эритиш, нефть ва кўмир чиқаришни, жуда мураккаб машиналар, аппаратлар, турли газламалар ишлаб чиқаришни, тепловоз ва лайнерларни бошқаришни биринчи бўлиб ўргатган вакиллари номларини самимият билан тилга оладилар.

Рус халқининг заковати, сахий қалби, беғаразлиги, умумий иш учун фидокорона курашга доим тайёрлиги уни барча совет халқларининг чуқур иззат-ҳурматига сазовор қилди.

Ўзбек халқи саҳоват билан, беғараз, чинакам қардошларча ёрдам кўрсатганлиги учун, доим қўллаб-қувватлаб келаётганлиги учун, илм-фанни ўргатганлиги учун ўз оғаси ва энг содиқ дўсти улуғ рус халқига астойдил, чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилади.

Коммунистик партия раҳбарлигидаги рус халқи барча совет халқларини аҳил, дўст оилага жипслаштирган қудратли куч бўлди. СССР халқлари ўртасида вужудга келган мустаҳкам ҳамдўстлик ва ўзаро ёрдам инсоният тарихида ҳали ҳеч қачон кўрилмаган.

Ҳозирги кунда совет халқлари ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар кенг қулоч отди. Республикалар ва областлар ўртасида социалистик мусобақа тобора кенг ривожланмоқда, илмий техника соҳасидаги ютуқлар ва илғор тажрибаларни айирбошлаш кучайиб бормоқда, миллий маданиятларни ўзаро бойитиш, бу маданиятларнинг интернационал асосини мустаҳкамлаш процесси авж олмоқда. Бизда меҳнаткашлари ўзларининг илҳомбахш меҳнати самараларини Ўзбекистонга совға қилиб келмаган бирорта ҳам республика йўқ.

Республикамизнинг меҳнаткашлари ҳам буларнинг ҳаммасини чуқур миннатдорчилик туйғулари билан қабул қилмоқдалар. Биз ана шу ёрдам учун ва Совет Иттифоқидаги барча халқлар — қардош халқларнинг ҳамкорлиги учун астойдил миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз. Бу халқлар ўртасидаги дўстлик чинакам қон-қардошликка айланди.

Мамлакатимиз халқларининг монолит бирлиги, уларнинг кучайиб бораётган қардошларча дўстлиги Совет ҳокимиятининг, Коммунистик партиянинг ғоят катта ютуғидир. Совет халқларининг самимий, гранитдек мустаҳкам, булоқ сувидек мусаффо, қуёш каби оташин ва порлоқ дўстлиги куч-қудратимизнинг, бахт-саодатимизнинг битмас-туганмас манбаи, барча ғалабаларимизнинг гаровидир.

Совет халқларининг дўстлиги оғир синовларга шараф билан бардош берди. Бу дўстлик Улуғ Ватан уруши йилларида умумий душманимизга қарши биргаликда олиб борилган курашда тўкилган қон билан мустаҳкамланди. Ўтган урушнинг фронтларида ўзбек халқининг ўғил ва қизлари ҳам немис фашист босқинчиларга қарши руслар, украинлар, белоруслар, литваликлар, латишлар, эстонлар, молдаванлар билан, барча совет халқларининг вакиллари билан бир ёқадан бош чиқариб мардона жанг қилдилар.

Ўзбек халқи мамлакатимизнинг бошига тушган ана шу оғир кунларда ўзбек жангчиларига юборган хатида қуйидагиларни ёзган эди:

«Эй, ўзбек халқининг ҳур ўғлони, эркин қизи!.. Энди сенинг аканг бўлган руснинг уйига, қардошинг бўлган белорус ва украиннинг, латишнинг, эстоннинг, литваликнинг уйига герман каллакесари босиб кирди... Лекин руснинг уйи сенинг уйинг, украин ва белоруснинг уйи сенинг уйингдир... Босмачи бирон бирода-римизни ўз хонасидан маҳрум қилган бўлса, йўқолган бу уйни қардошимизга тиклаб бер. Бу сенинг вазифангдир. Ўз қўлига қурол ушлаган аскар! Сен бу буюк оила аъзоларининг тинч ва эркин ҳаётини душман ҳамласидан сақлашга бахт ва тўй аёмида аҳду паймон қилган эдинг-ку!.. Сен шундай қилишинг керакки, ўзингнинг бахтли оила аъзоларинг ўртасида мағрурлик билан кўкрак кериб шу гапларни айта ол: «Ватан урушининг оғир кунларида ўз Ватанимни ҳалокат ва тор-мор қилишидан қаттиқ туриб сақлаб қолган кишилар орасида мен ҳам бор эдим!».

Бугун биз ифтихор билан айтамизки, ўзбек халқининг ўғил ва қизлари бу наказни шараф билан бажардилар. Ўзбекистон фарзандларидан 120 мингдан кўпроқ киши уруш йилларида кўрсатган мардлиги ва жасорати учун ССР Иттифоқи орден ва медаллари билан мукофотланди. 278 киши эса, Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвони олишга сазовор бўлди.

Ўзбек халқи мамлакат ичкарисида ҳам барча қардош халқлар билан бирга меҳнат қилиб, фашизм устидан ғалаба қозонишга замин тайёрлади. Ўзбекистон уруш йилларида юзга яқин йирик саноат корхоналарини, фан, маданият муассасаларининг ва ўнлаб коллективларини ва мамлакатнинг фронт яқинидаги районларидан кўчирилган бир миллиондан ортиқ кишини қабул қилди. Кўчириб келтирилган кишилар орасида юз мингларча болалар ҳам бор эди. Улар болалар уйларидагина эмас, балки республика меҳнаткашларининг оилаларида ҳам ўзларига бошпана топдилар. Кўп оилаларимиз турли миллатларга мансуб бўлган 5-7-9 тадан етим болани боқиб тарбиялаб ўстирдилар. Ҳаммага машҳур бўлган Шомаҳмудовлар оиласи эса 16 болани ўз тарбиясига олди ва уларнинг ҳаммасига улкан, бахтли ҳаёт йўлланмасини берди.

Ўзбекистон фронтга жуда кўп миқдорда қурол-яроғ, ўқ-дори, ҳарбий анжомлар, озиқ-овқат, кийим-кечак ва пойафзал етказиб берди, мамлакатнинг марказий областларидаги саноат корхоналарида ва қурилишларда ишлаш учун неча ўн минглаб ишчиларни юборди, гитлерчилардан озод қилинган районларга минг-минглаб трактор, неча юзлаб автомашина ва комбайнлар, минг-минглаб қишлоқ хўжалик мутахассисларини юборди.

Буларнинг ҳаммаси ўзбек халқининг чин интернационализмини, унинг халқлар ўртасидаги муқаддас дўстликка садоқатини яққол кўрсатувчи далилдир.

Ўзбекистон Компартияси бу дўстликни кун сайин ривожлантириб ва мустаҳкамлаб бориш учун қўлидан келган ҳамма чораларни кўрмоқда. Совет тузуми вужудга келтирган, Ленин партияси аваллаб ўстирган, меҳнатда ва жанг майдонларида қардошлик иплари билан маҳкам боғланган халқларимизнинг улуғ дўстлигини кўз қорачиғидай сақламоқдамиз ва сақлайберамиз.

Совет халқларининг қардошларча дўстлиги ва жипслиги мустаҳкамлана бersин!

Азиз ўртоқлар! Бугун бизнинг меҳнати туфайли баракали ҳосил бера бошлади.

Қирқ йил тарих учун унча катта муддат эмас, аммо совет кишилари бу тарихни яратаётганларнинг эътиборга олганда, шу йилларнинг ҳар бири асрларга баравардир. Виставка буни яққол исбот этади. Виставкининг ўрта қисмида республика меҳнаткашларининг миллий ифтихори бўлган «оқ олтин» пирамидаси бор. 1924 йил... Ўзбекистон ўша йили 750 минг тонна пахта етиштирган эди. Ҳозирги пайтда Андижон областининг бир ўзигина бундан кўпроқ пахта бермоқда. 1964 йил. Республика пахта етиштириш соҳасида жаҳонда учинчи ўринга чиқди ва республиканинг давлат хирмонларига 3 миллион 600 минг тонна пахта топширишига шак-шубҳа йўқ.

Республиканинг колхоз ва совхозларидан келган кишилар Тошкент конструкторлари ва машинасозлари ишлаб чиқарган «зангори кема»ларни завқ билан томоша қиладилар. Ана шу ажойиб машиналар пахта далаларига йил сайин кўпроқ юборилмоқда. Улар пахта теришдек оғир меҳнатдан кишиларни халос қилмоқдалар. Юбилей йилида «зангори кема»ларда рекорд ҳосил — 800 минг тонна пахта териб олинди.

Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси республикамизнинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажагини ҳикоя қилади. Виставкага қўйилган буюмларнинг ҳаммаси «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» деган шиорни рўёбга чиқаришни кўзда тутади. Бир замонлар суғсизликдан қақраб ётган чўллардан, пастқам чордеворлардан иборат ерларда энди янги шаҳарлар, шаҳар типидаги колхоз ва совхоз посёлкалари қад кўтарди.

Виставкада фан, маданият, соғлиқни сақлаш ишлари соҳасида эришилган муваффақиятларни кўрсатишга катта ўрин берилган. Ҳар бир экспонат чор Россиясининг илғариги чекка ўлкасида қирқ йил ичида чинакам революцион ўзгаришлар бўлганлигидан далолат беради. Фотосуратлар ва диаграммалар халқ маорифини ривожлантиришда, мутахассислар тайёрлашда, одамларнинг соғлиғини муҳофаза қилишда, тасвирий санъат, музыка ва театр санъатини юксалтиришда энг тараққий этган капиталистик мамлакатларнинг кўпидан ўзиб кетиш учун атиги 40 йил талаб этилганлигини яққол кўрсатади.

Тошкент — телевидение ватанидир. Бу ерда совет мутахассислари 36 йил муқаддам суратларни масофадан кўрсатиш ва қабул қилиб олиш учун электрон аппаратни биринчи марта синаб кўрган эдилар. Ҳозирги кунда республика аҳолисининг 80 процента Тошкентдан ва қўшни қардош республикаларнинг пойтахтларидан телеэшиттиришларни томоша қилмоқда. Уларнинг Москва, Ленинград, Киев, Варшава, Берлин, Прага ва бошқа шаҳарлардан бериладиган эшиттиришларни кўришларига оз вақт қолди.

Совет Ўзбекистони кураши ва ғалабалари тарихининг биринчи девони ёзилди. Кунлар ва йиллар ўтар, биз бу девоннинг янги саҳифаларини варақлаймиз. Коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтираётган совет кишиси қўлга киритаётган янгидан-янги ғалабаларининг шоҳиди бўламиз.

ЯГОНА, КАТТА ОИЛАДА

(Боши 1 ва 2-бетларда).

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Президиумига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига табригини ўқиб беради. Мажлис қатнашчилари бу табрикни гулдурос давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

Қардош республикаларнинг вакиллари бирин-кетин минбарга чиқиб, Ўзбекистон Коммунистик партияси ва республиканинг барча меҳнаткашларини шонли юбилей билан қизғин қутлайдилар. РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. А. Яснов, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. Д. Скаба, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Н. Г. Егоричев, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари П. М. Машеров, Ленинград саноат область партия комитетининг биринчи секретари В. С. Толстиков, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Ю. Юсупов, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ю. Охундов, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Ю. Снечкус, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюл, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Я. Пельше, Иваново саноат область партия комитетининг биринчи секретари И. В. Капитонов, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Р. Расулов, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Н. Заробян, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. О. Овезов, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Г. Кэбин қизғин табрик сўзлари билан мурожаат қилдилар. Улар ўз республикаларидаги партия, совет ташкилотларининг табрикномаларини мажлис президиумига топширадилар. Мажлис аҳли қизғин табриклар учун, самимий дўстлик учун қардош халқларга гулдурос қарсаклар билан чин кўнгилдан ташаккур изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов якунловчи нутқ сўзлаб, Ўзбекистон меҳнаткашларининг мана шу қувончли кунда ўзр ҳурсандлик ҳислари билан тўлиб-тошганликлари ҳақида, уларнинг қардош халқларни эркин ва озод оила қилиб бирлаштирган жонажон партияга, севикли Ватанга чексиз содиқликларини гапириб берди.

Биз ҳаммамиз, деди Ўртоқ Рашидов, Леонид Ильич Брежневнинг ёрқин нутқини, КПСС Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми, ССР Иттифоқи Министрлар Советининг табрикномасини ҳамда республикамиз юбилейи байрамида қатнашиш учун қардош республикалардан бу ерга келган делегацияларнинг табригини зўр эътибор бериб, қувониб ва ҳаяжонланиб тингладик.

Республика меҳнаткашларининг ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг яратувчилик ишига КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати берган юксак баҳо қалбимизни бениҳоя ҳурсандчилик ҳислари билан тўлдирди. Бугунги тантанали мажлисда айтилган қизғин табриклар ва эзгу тилаклар ўзбек халқининг самимий, жонажон дўстлари нақадар кўплигини, барча совет халқларининг қардошларча дўстлик алоқалари нақадар эканлигини яна бир марта аққол кўрсатиб турибди. Бу нарса ҳаммамизни қувонтиради ва руҳлантиради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети номидан, республиканинг барча меҳнаткашлари номидан Коммунистик партиянинг ленинчи Марказий Комитетига, қардош республикалардан келган сиз, азиз меҳмонларга бизни табриклаб айтган жўшқин сўзларингиз ва бизга билдирган истакларингиз учун чин кўнгилдан миннатдорчилик билдиришга, бутун қалбимиздан раҳмат айтишга ижозат бергайсиз.

Улуғ социалистик Ватанимизнинг пойтахти Москвадан, шонли Ленин шаҳридан ва Ивановодан, барча қардош совет республикаларидан вакил бўлиб келган азиз биродарлар, серқуёш Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан барча қардош халқларимизга қизғин салом айтишга, коммунистик қурилишда уларга янги муваффақиятлар ва улкан бахт тилашга ижозат бергайсиз. Сизларнинг айтган гапларингизни биз севикли социалистик Ватанимиз бахт-саодати йўлида янги ишлар қилишга чақириқ деб, биз учун берилган наказ деб қабул қилдик!

КПССнинг ленинчи Марказий Комитетини ва Совет ҳукуматини ишонтириб шуни айтишга ижозат бергайсизки, Ўзбекистон коммунистлари, республикамизнинг барча меҳнаткашлари бундан буён ҳам астойдил меҳнат қила берадилар, республика экономикасини ва маданиятини янада жадал ривожлантириш учун курашга ўзларининг бутун куч ва билимларини сарфлайдилар, коммунистик қурилишда янги ғалабаларга эришмоқ учун ҳамма резервлар ва имкониятлардан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси номидан, республиканинг барча меҳнаткашлари номидан бугун биз улуғ Ленин партияси олдида, Совет Иттифоқининг барча қардош халқлари олдида тантанали қасамёд қилиб айтамизки, совет халқларининг муқаддас дўстлигига ва қардошлигига, марксизм-ленинизмнинг улуғ байроғига, коммунизмнинг юксак идеалларига ҳамиша содиқ бўлиб қоламиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва ССР Иттифоқи Министрлар Советига ёзилган табрикномани мажлис қатнашчилари баланд руҳ билан қабул қиладилар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг қирқ йиллигига бағишланган тантанали мажлис ёпиқ деб эълон қилинади. Партия гимни «Интернационал» садолари залда улуғвор янграйди. Яшасин коммунизм қурувчи қаҳрамон халқ! Яшасин жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати, деган хитоблар янграйди.

* * *

Кечқурун Санъат саройида Ўзбекистон санъати усталари тантанали мажлис қатнашчиларига катта концерт қўйиб бердилар.

(ЎзТАГ).

КУРАШ ВА ҒАЛАБАЛАР ЙИЛНОМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИ ТАНТАНАЛИ СУРАТДА ОЧИЛДИ

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларидан неча минглаб киши 19 ноябрда шаҳардаги «Победа» паркига боришди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 40 йиллигига бағишланган республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини тантанали суратда очиш маросимида қатнашиш учун саноат корхоналари, муассасалар, ўқув юртлари ва жамоат ташкилотлари коллективларининг вакиллари шу ерга тўпландилар.

Бўлиб ўтган митингдан кейин Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан ва уларнинг топшириғи билан виставкани очиқ деб эълон қилади.

Қизил лента қирқилади. Одамлар оқими павильон заллари томон юра бошлайди. Павильон заллари республиканинг босиб ўтган 40 йиллик йўли, унинг иқтисодиёти, фан ва маданияти нақадар ривож топганлиги акс эттирилган.

* * *

Жонажон диёрим, Ўзбекистон! Қуёш нурини эмиб, инсон меҳнати туфайли сенинг чўлларинг қандай гуллаб-яшнаганлигини, мард кишилар учун ўз бойлигини очиб берган тоғларинг тўғрисида, янги нарсалар ҳаётга нақадар тез кириб бораётганлиги тўғрисида тарихчилар ҳали кўп нарсалар ёзадилар.

Мана, Ўзбекистон меҳнаткашларининг кураши ва эришган зафарлари йилномасининг дастлабки ўзига хос биринчи томи яратилди! Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги арафасида «Победа» паркида очилган республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси ана шу томнинг ўзгинасидир.

Паркнинг куз либосини кийган дарахтлари орасида ойна ва бетондан ишланган катта бино улуғвор қад кўтариб турибди. Павильон майдони уч минг квадрат метрни ташкил этади.

Виставкани биринчи бўлиб келиб кўрувчилар оқимига қўшилиб кетдик. Уларни айниқса нима қизиқтиради, улар нималарни зўр диққат билан томоша қилаётирлар? Республиканинг асосий бойлиги одамлардир. Виставкадаги ёрқин ва ранг-баранг суратлар ана шу одамлар давлатни қандай қилиб бошқараётганликлари, табиатни ўзгартираётганликлари, янги шаҳарлар барпо этаётганликлари, завод ва фабрикаларнинг корпусларини вужудга келтираётганликлари тўғрисида ҳикоя қилади. Улкан паннода биз яхшиларнинг яхшиси—саноат ва қишлоқ хўжалиги новаторлари, фан ва маданият арбоблари, ўз меҳнатлари билан ғалаба яратаётган кишиларнинг портретларини кўрдик.

Транспарантлардан бирида қуйидаги ёзувни ўқидик: «Республика меҳнаткашлари бутун совет халқи билан биргаликда партия XXII съезди ва КПСС Программаси белгилаб берган режаларни муваффақиятли суратда амалга оширмоқдалар». Шу ёзув ёнида ғоят зўр ўсишимизни акс эттирувчи қуйидаги рақамлар бор: 8 миллиард 375 миллион сўм... Ўзбекистон халқ хўжалигига ана шунча миқдорда капитал маблағ сарфланди. Ҳозирги вақтда республика пахта, пилла, қорақўл тери, каноп етиштириш, пахтачилик ҳамда пахтани дастлабки ишлаш учун мўлжалланган машиналар ишлаб чиқариш жиҳатидан СССР да биринчи ўринда, ип газлама ишлаб чиқариш ва шоли тайёрлаш жиҳатидан иккинчи ўринда, шойи газлама, минерал ўғит, ўсимлик мойи тайёрлаш жиҳатидан учинчи ўринда, машиналар ишлаб чиқариш жиҳатидан тўртинчи ўринда, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан бешинчи ўринда турибди.

Виставкага келган кишиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этган ана шу кўрсаткичларнинг ҳар бири миллионларнинг зўр меҳнати билан қўлга киритилди. Инсонни жасорат кўрсатишга чорлаган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинча миллий сиёсатининг донолиги ана шу ажойиб зафарларда мужассамлашганидир.

Ватан фани ва техникасининг энг янги ютуқларидан моҳирлик билан фойдаланиш туфайли пахта, гўшт, сут, сабзавот, каноп, пилла етиштириш кескин суратда кўпайди. 1964 йилда давлатга 38 миллион пуд дон топширилди...

Виставка стендларида кўпгина бошқа тўқиқилантирувчи маълумотлар бор. Масалан, бу ерда ҳозир Ўзбекистон ўз маҳсулотини 58 та чет мамлакатга ва Совет Иттифоқидаги юздан кўпроқ ob ласть, ўлка ва автоном республикага чиқариб турибди.

Одамлар оқими заллар томон йўл олади. Биз республикаин мамлакатнинг энг йирик ёқилғи базасига айлантираётган одамлар группасига қўшилиб кетдик. Оҳангаронимиз кўмир қазиб чиқаришни бир неча юз марта кўпайтирди, жонажон Газлимиз... мана, Фарғона водийимиз... Ер бағридаги бойликларни кашф этаётган, нефть, кўмир, табиий газ чиқараётган одамлардан биз ана шу номларни эшитдик... Нефтчилар ҳам ана шу номларни такрорлайдилар, улар етти йиллик мобайнида «қора олтин» чиқаришни 1,4 баравар кўпайтирдилар. Лекин газчилар диққат марказида турибди. Битмас-туганмас, кўз илғамас ёқилғини ана шу кишилар Бухорони Тошкент билан, Қозоғистон, Қирғизистон, Урал районлари билан боғлайдиган қувурлар орқали олис-олисларга жўнатадилар.

Энергетиканинг тараққиётига бағишланган стендлардаги экспонатлар айниқса ёрқин ва чиройлидир. Чирчиқ—Бўзсув сув трактини кўрсатувчи ажойиб панно томошабинларнинг диққатини ўзига жалб этади. Бу тракт автоматлашган ва масофадан бошқариладиган 16 станцияни ўзига бирлаштиргандир. Суратлардан бири Улуғ Ватан уруши йилларини эсга туширади. Ўша вақтда Волга дарёси соҳилларида қаттиқ жанглар бўлаётган бир пайтда Фарҳод ГЭСи қурила бошлаган эди. Урушдан кейин қилинган ишлар, энергетиканинг тараққиётнигина эмас, балки энергетиканинг техник мукаммаллиги ўсганлигини ҳам ўзида мужассамлаштирган Оҳангарон, Тошкент, Навоий исиқлик электростанциялари ҳам бу ерда кўрсатилган. Ана шу суратлар ўртасида 530 рақами бор. Ўтган қирқ йил мобайнида республикада электроэнергия ҳосил қилиш ўнланча марта кўпайди!

Тяньшань тоғ этаклари... Бу тоғлар Менделеев жадвалида кўрсатилган элементларнинг деярли ҳаммасини ўз бағрида сақлайди, деб бежиз айтмайдилар. Ўзбекистон оғир саноатининг тараққиётини акс эттирувчи, рангли ва қора металлургия корхоналарининг маҳсулотини намойиш қилувчи асосий стенд буни яна бир марта тасдиқлайди.

Химия республика индустриясининг тез ривожланиб бораётган янги соҳаларидан биридир. Ўзбекистоннинг химия корхоналари 1963 йилда 1 миллион 600 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқардилар. Улар 1970 йилда 4 миллион 811 минг тонна минерал ўғит тайёрлайдилар. Ана шу корхоналарнинг маҳсулотлари ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш химиявий дориларидан, пластмассалардан, синтетик материаллар ва бинокорлик материаллари, фармацевтик препаратлар, карбамид ва чорвачилик учун кераклн озуқа ачитқиларидан иборат. Химия индустриясини ривожлантириш учун тобора кўп капитал маблағлар сарф қилинмоқда. 1970 йилга келиб бу капитал маблағлар 1958 йилдагига нисбатан 33 баравар ортади.

КПСС Программасида машинасозликни ривожлантириш — бутун халқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантириш учун биринчи даражали аҳамиятга эга, дейилади. Ўзбекистонимизнинг ана шу режаларни амалга оширишда қўшган катта ҳиссасини кўрсатадиган рақамларни келтириб ўтамиз. 1917 йилда машинасозлик корхоналари йўқ эди. 1964 йилда эса қирқдан кўпроқ йирик машинасозлик заводлари ишлаб турибди.

Виставкада энг янги тўқимачилик машиналарини, пахта тозалаш ускуналарини, электротехника машинасозлиги буюмларини кўрамиз. Саноатнинг асосий маҳсулоти павильон ёнидаги катта участкага қўйилган. Бу ерда чигит ва бошқа экинларни экиш ва парваришлаш қилиш учун мўлжалланган кўпгина машиналар билан, одамларнинг Мирзачўл ва Қарши даштларидаги, Марказий Фарғонадаги кўриқ ерларни ўзлаштиришларига, янги каналлар қазишларига, янги уйлар барпо қилишларига ёрдам берадиган техника билан таниниш мумкин.

Инсон сув ва ер тўғрисида кўп қўшиқлар яратди. Одамлар илгари замонларда табиат кучларига қарши курашган афсонавий қаҳрамонларни мадҳ этган эдилар. Асрлар ўтиб кетган бўлса ҳам дарёлар маҳсулдор ерларни, камбағалларнинг далаларини четлаб оқиб ўтар эди. Аммо, Октябрь революциясидан кейин Мирзачўлни ўзлаштириш тўғрисида В. И. Ленин имзолаган тарихий декрет ҳақидаги хушхабар Туркистонга етиб келди. Ленин партиясининг аъзолари халқнинг ер учун, сув учун, бахт учун курашига бошчилик қилдилар. Қуёш нури ва инсон меҳр-муҳаббатидан ҳарорат олган ўзбек ери деҳқонларининг меҳнати туфайли баракали ҳосил бера бошлади.

Қирқ йил тарих учун унча катта муддат эмас, аммо совет кишилари бу тарихни яратаётганларнинг эътиборга олганда, шу йилларнинг ҳар бири асрларга баравардир. Виставка буни яққол исбот этади. Виставкининг ўрта қисмида республика меҳнаткашларининг миллий ифтихори бўлган «оқ олтин» пирамидаси бор. 1924 йил... Ўзбекистон ўша йили 750 минг тонна пахта етиштирган эди. Ҳозирги пайтда Андижон областининг бир ўзигина бундан кўпроқ пахта бермоқда. 1964 йил. Республика пахта етиштириш соҳасида жаҳонда учинчи ўринга чиқди ва республиканинг давлат хирмонларига 3 миллион 600 минг тонна пахта топширишига шак-шубҳа йўқ.

Республиканинг колхоз ва совхозларидан келган кишилар Тошкент конструкторлари ва машинасозлари ишлаб чиқарган «зангори кема»ларни завқ билан томоша қиладилар. Ана шу ажойиб машиналар пахта далаларига йил сайин кўпроқ юборилмоқда. Улар пахта теришдек оғир меҳнатдан кишиларни халос қилмоқдалар. Юбилей йилида «зангори кема»ларда рекорд ҳосил — 800 минг тонна пахта териб олинди.

Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси республикамизнинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажагини ҳикоя қилади. Виставкага қўйилган буюмларнинг ҳаммаси «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» деган шиорни рўёбга чиқаришни кўзда тутади. Бир замонлар суғсизликдан қақраб ётган чўллардан, пастқам чордеворлардан иборат ерларда энди янги шаҳарлар, шаҳар типидаги колхоз ва совхоз посёлкалари қад кўтарди.

Виставкада фан, маданият, соғлиқни сақлаш ишлари соҳасида эришилган муваффақиятларни кўрсатишга катта ўрин берилган. Ҳар бир экспонат чор Россиясининг илғариги чекка ўлкасида қирқ йил ичида чинакам революцион ўзгаришлар бўлганлигидан далолат беради. Фотосуратлар ва диаграммалар халқ маорифини ривожлантиришда, мутахассислар тайёрлашда, одамларнинг соғлиғини муҳофаза қилишда, тасвирий санъат, музыка ва театр санъатини юксалтиришда энг тараққий этган капиталистик мамлакатларнинг кўпидан ўзиб кетиш учун атиги 40 йил талаб этилганлигини яққол кўрсатади.

Тошкент — телевидение ватанидир. Бу ерда совет мутахассислари 36 йил муқаддам суратларни масофадан кўрсатиш ва қабул қилиб олиш учун электрон аппаратни биринчи марта синаб кўрган эдилар. Ҳозирги кунда республика аҳолисининг 80 процента Тошкентдан ва қўшни қардош республикаларнинг пойтахтларидан телеэшиттиришларни томоша қилмоқда. Уларнинг Москва, Ленинград, Киев, Варшава, Берлин, Прага ва бошқа шаҳарлардан бериладиган эшиттиришларни кўришларига оз вақт қолди.

Совет Ўзбекистони кураши ва ғалабалари тарихининг биринчи девони ёзилди. Кунлар ва йиллар ўтар, биз бу девоннинг янги саҳифаларини варақлаймиз. Коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтираётган совет кишиси қўлга киритаётган янгидан-янги ғалабаларининг шоҳиди бўламиз.

ЎРТА ОСИЁ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ УЛКАН ҒАЛАБАСИ

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ ЎРТА ОСИЁ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССРнинг Чимкент области пахтакорлари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар ва пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари 1964 йил 19 ноябрда бажардилар.

Тайёрлаш пунктларига 4.689 минг тонна, ёки йиллик планнинг 100,2 процента миқдорида пахта топширилди.

СССРнинг асосий пахта базаси бўлган Ўзбекистон пахтакорлари катта ҳисса қўшдилар, улар давлат

Ягона, катта оилада

А. ЯСНОВ НУТҚИ

Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари

...тоқлар! Дўстлар! Бугун ...и меҳнаткашлари бутун ...ки билан биргаликда ...ихий воқеани — Ўзбе... республикаси билан Ўзбе...ммунистик партиясининг ...ини нишонламоқдалар.

...а байрамдир, бинобарин, ...ва Ўзбекистоннинг ҳам...кашларини рус халқи Россиядаги ҳамма халқ...ан қизғин ва самимий ...ганимиз ҳамда Ватани...аодати йўлида қилаётган ...изда сизларга янги ютуқ...ганимиз билан ғоят хур...

...нин биз миллатларнинг ...равишда шундай итти...лашишларини истаймиз...ифоқ ғоят тўла ишончга, ...: муносабатига, тотув...сланган бўлиши керак. Бизнинг мамлакатимиз...истик партия раҳбарли...и ана шундай иттифоқ ...елтирилди. Ўзбекистон ...атимизнинг, кўп миллат...совет оиламизнинг бир ...собланади.

...қардош республикалар ...бекистон тимсолида ҳам ...ифоқидаги барча халқ...игининг буюк кучи ни...қин намойиш қилинмоқ...а миллий сиёсат ўз ак...ноқда.

...халқи қардош халқлар...а оиласида яшаб, тарихан ...дат ичида ҳуқуқсизлик...ликка хотима берди, ўз ...г қиёфасини тамомила ...б юборди, замонавий та...нг баланд чўққиларига ...и. Ҳозирги Ўзбекистон — ...данияти юксак даражада ...ган, биринчи даражали ...га эга бўлган, кўп тар...лоқ хўжалиги ниҳоятда ...ялаштирилган республи...қ олтин» ўлкасидир.

...ларча бузилмас дўстлик, ...ва коммунизм учун бир...либ борилган ва олиб бо... ...краш рус халқи билан ...халқини иноқлаштириб ...Рус халқи билан Ўзбек ...ажойиб дўстлиги тал...қин қилинган саҳифалар тарихимизда оз эмас. Ўзбек халқи Бухоро—Урал газ қувури қурилишига дўстлик трассаси деб ном берди. Бунга сабаб ўзбек газининг ҳозир Свердловск, Челябинскка ва Уралдаги бошқа шаҳарларга етиб борганигина эмас, бунинг яна бир сабаби шуки, шу трассани ўзбеклар ва руслар, украинлар ва белоруслар, шунингдек мамлакатимиздаги бошқа барча республикаларнинг вакиллари биргаликда барпо этишди.

Ўтмишда Мирзачўлни қуш учса қаноти қуйдиган жой дер эдилар, эндиликда эса, ўзбек халқи иттифоқдош республикаларнинг ёрдами билан шу чўлни маъмурчилик ўлкасига айлантириб юборди. Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш коллективларининг Россиядаги тармоқдош коллективлар билан алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Улар орасида меҳнат мусобақаси, коммунистик қурилиш тажрибасини айирбошлаш кенг авж олмоқда.

Маданият соҳасидаги ютуқларни айирбошлаб туриш ҳам рус ва ўзбек халқларининг ажойиб традициясига айланиб қолди. Ўтган йили сизларнинг республикангизда рус адабиёти ва санъати декадаси ўтказилди. Яқинда Тошкентда рус музикаси фестивали бўлиб ўтди. Москваликлар ва Россиядаги бошқа шаҳарларнинг меҳнаткашлари ўзбек ёзувчилари, артистлари, музикачиларини шоду-ҳуррамлик билан кутиб олмоқдалар. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида халқларимиз ўртасида вужудга келган жуда яқин маданий, иқтисодий ва сиёсий алоқалар кундан-кунга ривожланиб ва мустаҳкамланиб бормоқда.

Азиз ўртоқлар, рус халқи, Россиянинг барча меҳнаткашлари номидан сизларни яна бир карра табриклашимга ҳамда Совет Иттифоқи халқларининг умумий меҳнатида, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинча мустаҳкам бош йўлини амалга ошириш учун курашда ўзбек халқига янгиданянги зўр ғалабалар тилашимга рухсат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Д. СКАБА НУТҚИ

Украина КП Марказий Комитетининг секретари

...ртоқлар! Украина Комму...ртияси Марказий Комите...на ССР Олий Совети ...ми ва Министрлар Сове...украин халқи қардош ўз...ни ёруг байрам — Ўзбе...овет Социалистик Рес...и ва Ўзбекистон Комму...артияси ташкил топган ...40 йиллиги билан чин ...қутлайдилар.

...миздаги барча халқлар ...овет Украинаси меҳнат...ҳам Ўзбекистон ишчила...ёвчилари, интеллигенцияси ...кимияти йиллари мобай...га киритган буюк муваф...рга астойдил қувонмоқда...

... Ватанимиздаги социалис...бликаларнинг бутун оила...и Совет Ўзбекистонининг ...й қудрати ва социалистик ...и ҳам Улуғ Октябрь қу...ур эмиб, Совет Иттифоқи ...оммунистик партияси ва ...нинчи Марказий Комите...ролиги остида барқ уриб ...аяда мисли кўрилмаган ...ка эришди.

...а меҳнаткашлари билан ...қини жуда яқин дўстлик ...риб юборган. Биз шу би...ланамизки, Ватан уруши...шатли йилларида ўзбек ...г шавкатли фарзандлари ...имиздаги барча халқлар...ўзандлари билан бир ёқа...чиқариб, Украина тупро...д қилишда қаҳрамонона ...лар. Улардан кўплари фа...қинчиларига қарши олиб ...жангларда мардлик ва ...лик кўрсатганликлари ...ет Иттифоқи Қаҳрамони ...ий унвони олишга сазо...илар.

...халқи уруш йилларида ...хийлик билан ёрдам бе...йиб республикангизга қў... бола-чақаларимизни ўзи...иқ бағрига олганини ҳам...нчилар вайрон қилиб кет...ублика хўжалигини тик...изга қўмаклашганини Ук...еҳнаткашлари сира унут...р. Шуларнинг ҳаммаси учун Украина делегацияси сизларга украин халқи номидан кўпдан-кўп самимий раҳмат айтади.

Украин халқи билан ўзбек халқи ўртасида чуқур ва самарали алоқалар мавжуд. Улуғ ўзбек шоири, олим ва давлат арбоби Алишер Навоий асарларини ҳар бир украин чин юракдан севиб ўқимоқда ва ардоқламоқда. Ўзбек ёзувчиларининг асарлари украин тилида нашр қилинган. Украин ёзувчиларининг ўзбек халқи ҳаётига бағишланган асарлари бор.

Биз шунга айниқса хурсандмизки, Ўзбекистон меҳнаткашлари рус ёзувчилари ва мамлакатимиздаги бошқа ёзувчиларнинг асарлари қатори Тарас Шевченко-Иван Франко китобларини ўз она тилида ўқиш имконнятига эгадирлар.

Украина адабиёти ва санъатининг Ўзбекистонда ўтказилган декадаси вақтида Ўзбекистонда қардошларча самимият билан кутиб олинганимиз Украина халқи арбобларининг хотирасида абадий қолади.

Совет Ўзбекистони экономикаси ва маданиятининг барқ уриб яшнаганлиги — шонли Коммунистик партиямиз, унинг Марказий Комитети изчиллик билан ўтказиб келаётган ленинча миллий сиёсат тантанасини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Совет Украинаси меҳнаткашлари партия XXII съезднинг, КПСС Программасининг улуғвор режаларини рўёбга чиқаришда, коммунистик жамият қурилишида серқуёш Ўзбекистоннинг талантли халқи янгидан-янги зўр ғалабаларга эришувини чин юракдан тилайдилар.

Яшасин улуғ Совет Иттифоқининг ажралмас таркибий қисми бўлган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси!

Қардош совет халқларининг бузилмас дўстлиги мустаҳкамлансин ва яшнайверсин!

Совет Иттифоқи улуғ Коммунистик партиясига ва унинг ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар! **(Қарсаклар).**

Г. ЕГОРИЧЕВ НУТҚИ

Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари

...ўртоқлар! Москва шаҳар ...комитети, меҳнаткашлар ...лари шаҳар Совети ижро...итети номидан, Москва...рча меҳнаткашлари номи...ларга ва сизлар орқали ...ардош ўзбек халқига Ўз...и Совет Социалистик Рес...си барпо қилинганлиги...Ўзбекистон Коммунистик ...и тузилганлигининг қирқ ...муносабати билан энг ...энг самимий саломларини...топширишга ижозат бер...

...кистон меҳнаткашлари ...енин партияси раҳбарлиги...ш ва ғалабаларинг шон...нни босиб ўтдилар ва ўз ...инкаларини саноати, қиш...калиги, фани ва мадания...ак даражада ривожланган, ...яшнаб турган ўлкага ай...илар.

...лакатимиздаги барча халқ...г чинакам қардошларча ...лиги ва бузилмас дўстли...оитидагина ўзбек халқи ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг шонли қирқ йиллиги —катта ва қувончли байрам. Бутун совет халқи ўзбек халқининг меҳнатдаги ажойиб муваффақиятлари билан, улуғ социалистик Ватанимиз қудратини мустаҳкамлашдаги зўр ютуқлари билан фахрланади.

Сиз, азиз ўзбек дўстларимиз билан бирга, барча совет халқи билан бирга москваликлар Коммунистик партия Программасини амалга ошириш йўлида тинмай меҳнат қилмоқдалар. Бугун биз сизларга хурсанд бўлиб шуни айтишимиз керакки, Москва меҳнаткашлари саноат ва қурилишда, фан ва маданият соҳасида янги муваффақиятларга эришдилар.

Москва халқ хўжалигининг кўпгина етакчи тармоқлари етти йиллик планини тўла бажаришга яқинлашиб қолди. Илгаригидек, бу сафар ҳам москваликлар етти йилликнинг олтинчи йилида қабул қилинган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар, деб қатъий айтиш мумкин.

Ҳозир пойтахт партия ташкилотлари, корхоналарнинг, илмий конструкторлик муассасаларининг коллективлари ўзларининг бутун диққат-эътиборларини маҳсулотни яхши сифатли ва пишиқ қилиб етиштиришга, ҳар бир буюмни фойда келтирадиган қилишга қаратмоқдалар.

Коммунизм қуриш, тинчликни мустаҳкамлаш шундай олий мақсаддирки, руслар ҳам, ўзбеклар ҳам, хуллас, барча совет кишилари шу мақсадга эришиш йўлида меҳнат қилмоқдалар.

Коммунистик партия тевараги-да маҳкам жипслашган Совет Иттифоқи меҳнаткашлари коммунизм йўлидан дадил бўлиб олга бормоқдалар ва бизни бу улуғ Ленин йўлидан ҳеч қандай куч четга бура олмайди.

Совет Ўзбекистонининг ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг шонли қирқ йиллик кунида москваликлар Ўзбекистон меҳнаткашларига меҳнатда, экономикани, фан ва маданиятни ривожлантиришда, коммунизм қурилишидаги умумий иш учун курашда чин кўнгилдан янги катта муваффақиятлар тилайдилар.

Яшасин Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси!

Мамлакатимиз халқларининг бузилмас, қардошларча дўстлиги абадий мустаҳкамлана берсин!

Яшасин шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! **(Қарсаклар).**

П. М. МАШЕРОВ НУТҚИ

Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари

<> <>

Азиз ўртоқлар, дўстлар! Сизларнинг ажойиб байрамингизга Совет Белоруссиясидан вакил бўлиб келган бизлар сизларга ва сизлар орқали бутун қардош ўзбек халқига республикамиз меҳнаткашларининг чин кўнгилдан чиқариб айтган энг самимий саломларини топширишни ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг, ҳамда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг шонли қирқ йиллик юбилейи билан қизғин қутлашни ўзимиз учун зўр қувонч ва юксак шараф деб биламиз.

Мана шу ажойиб кунларда серқуёш Ўзбекистонда зафарли қизил байроқлар байрамдагидек ҳилпирар турибди. Талантли ўзбек халқи улуғ Ленин кўтарган ғалаба байроғини Коммунистик партия раҳбарлигида мана шу қирқ йил мобайнида шараф ва фахр билан баланд кўтариб келмоқда.

Бугун ўзбек халқи шодиёна байрам қилмоқда. Унинг фахрланишга ҳақли бўлган ишлари кўп. Ўзбекистон республикаси Совет ҳокимияти йилларида олга томон жуда катта қадам қўйди. Халқ хўжалигини, фан ва маданиятни ривожлантиришда эришилган ҳақиқатан жуда катта муваффақиятларни кўриб қувонмоқдамиз ва қойил қолмоқдамиз.

Эндиликда Совет Ўзбекистони саноати ривожланиб бораётган илғор ўлкага, энг бой «оқ олтин» ўлкасига айланди. Ўзбекистонда пахта етиштириш соҳасидаги ишларнинг миқёси ва даражаси ҳаммани қойил қилаётган ёркин ва ибратли ўрнак бўлиб турибди.

Ўзбекистон шонли қирқ йиллигининг байрами бизнинг ҳам байрамимиздир. Белорус халқининг, барча совет халқларининг ҳам байрамидир. Ўзбекистон билан Белоруссия ўртасидаги масофа жуда катта бўлса-да, лекин бизлар сизлар билан ҳамнафас бўлиб яшамоқдамиз ва қалбимиз ҳамоҳанг бўлиб урмоқда. Партия XX, XXI ва XXII съездлари қарорларининг КПСС Программасининг жуда катта зафарли таъсири остида республикаларимиз халқлари коммунистик қурилиш вазифаларини амалга ошириш учун курашда бир сафда туриб қатнашмоқдалар.

Белоруссия Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, Белоруссия ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети қардош Ўзбекистон ишчиларини, колхозчиларини, интеллигенциясини ва барча меҳнаткашларини Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси барпо қилинганлигининг ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг жанговар отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон Коммунистик партияси тузилганлигининг қирқ йиллиги билан белорус халқи номидан қизғин қутлайди.

Белоруссия меҳнаткашлари меҳнатсевар, талантли ўзбек халқининг ажойиб муваффақиятларини кўриб, астойдил қувонмоқдалар. Республикаларимизнинг бир-бири билан яқиндан алоқа боғлаб турганлиги, ўз тажрибаларини бирга ўртоқлашаётганлиги, Тошкент ва Минск меҳнаткашларининг социалистик мусобақаси халқларимизни ўзаро бойитмоқда, уларнинг коммунистик қурилиш вазифаларини тағин ҳам муваффақиятли ҳал қилишларига имкон бермоқда.

Коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш учун, партия XXII съезднинг тарихий қарорлари ва КПСС Программасини амалга ошириш учун курашда Ўзбекистон меҳнаткашларига чин қалбдан янги зўр муваффақиятлар тилаймиз.

Яшасин Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси! Яшасин Ўзбекистон Коммунистик партияси! Яшасин Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги! Яшасин улуғ социалистик Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Ҳамма ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар! **(Қарсаклар).**

В. С. ТОЛСТИКОВ НУТҚИ

Ленинград саноат область партия комитетининг биринчи секретари

<> <>

Азиз ўртоқлар! Ленинград партия ташкилоти, совет ва жамоат ташкилотлари номидан, Ленинграднинг барча меҳнаткашлари номидан сизларни, бутун ўзбек халқини ажойиб шонли байрам билан — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси барпо қилинганлигининг ва Ўзбекистон Коммунистик партияси тузилганлигининг 40 йиллиги билан чин кўнгилдан қизғин табриклашга ижозат бергайсиз.

Бу шонли юбилей фақат ўзбек халқи учунгина эмас, шу билан бирга кўп миллатли социалистик давлатимиздаги барча қардош халқлар учун ҳам катта ва қувончли байрам бўлди. Мана шундай ҳар бир байрам бутун кўп миллатли оиламизнинг умумхалқ тантанасига айланиб кетади. Бизнинг бу оиламизда фақат одам одамгагина дўст, ўртоқ ва қардош бўлиб қолмасдан, шу билан бирга халқ халққа ҳам дўст, ўртоқ ва қардошдир.

Шу сабабли сизларнинг байрамингиз бизларнинг ҳам байрамимиз, шу сабабли бизлар бу шонли юбилей тантаналарида қатнашишга дўстона таклиф қилинганлигимиз учун астойдил ташаккур билдирамиз.

Ўзбек халқининг кейинги қирқ йил ичида эришган жуда катта муваффақиятлари марксизм-ленинизмнинг ўзгартирувчи улуғ кучининг чинакам тантанасидир, ленинча миллий сиёсатнинг, пролетар интернационализми, халқлар тенг ҳуқуқлилиги ва дўстлиги принципларининг порлоқ тантанасидир. Бу муваффақиятларнинг ниҳоят даражада катта халқаро, жаҳоншумул тарихий аҳамияти бор.

Бундан қирқ йилча муқаддам Владимир Ильич Ленин РКП(б) Марказий Комитетининг Туркистон бюросига хат юборибди. Ўрта Осиёда бутун Шарқ учун ўрнак бўладиган сиёсат ишлаб чиқиш ва бу сиёсатни мустаҳкамлаш заруриятини ёзган эди.

Коммунистик партиянинг иродаси, Ўрта Осиёдаги совет республикалари халқларининг қаҳрамонона меҳнати туфайли Владимир Ильичнинг бу улуғ васиятлари эндиликда зўр муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Республикангизнинг шаҳар ва қишлоқлари Совет Иттифоқидаги бошқа қардош республикаларнинг шаҳарлари ва қишлоқлари билан минглаб воситалар орқали боғланган. Ўзбекистон меҳнаткашлари билан Ленинград меҳнаткашлари ўртасидаги қардошларча дўстлик давом этаётганлигини бугун биз хурсандчилик билан қайд қиламиз. Ўзбекистон меҳнаткашлари билан улуғ Ленин номидаги шаҳар меҳнаткашлари ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар узлуксиз мустаҳкамланиб бораётганлиги ҳаммамизни хурсанд қилмоқда ва ҳаммамизга зўр фойда келтирмоқда. Нева бўйидаги шаҳарга Ўзбекистондан келаётган саноат маҳсулоти, халқ истеъмоли буюмлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йилдан-йилга тобора кўпаймоқда.

Биз ленинградликлар сизлардан астойдил миннатдормиз ва биз ҳам республикангизнинг саноати ва қишлоқ хўжалиги олдида ўз зиммамизга олган мажбуриятларни аниқ бажаришга интилмоқдамиз. Биз Ленинград ва Ўзбекистон меҳнаткашлари ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни бундан буён ҳам ривожлантираверамиз ва мустаҳкамлай берамиз.

Сизларни катта миллий байрам билан яна бир марта чин кўнгилдан қутлаймиз, серқуёш Ўзбекистон ишчиларига, колхозчиларига ва интеллигенциясига бутун қалбимиздан янги муваффақиятлар тилаймиз, экономикани, маданиятни ва фанни юксалтиришда, коммунизм ғалабаси учун совет халқлари олиб бораётган муштарак курашда уларга тағин ҳам зўр ютуқлар тилаймиз.

Яшасин Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси! Яшасин меҳнатсевар, талантли ўзбек халқи ва унинг Коммунистик партияси! Яшасин Ленин барпо қилган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! **(Қарсаклар).**

И. Ю. ЮСУПОВ НУТҚИ

Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

<> <>

Азиз ўртоқлар, дўстлар! Биз сизларни ва сизлар орқали бутун Ўзбекистоннинг қардош халқини қозоқ халқи ва Қозоғистоннинг барча меҳнаткашлари номидан, Қозоғистон КП Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан улуғ байрамингиз — Ўзбекистон республикаси ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги билан қизғин табриклашимиз ҳамда сизларга бутун юрагимиздан отилиб чиқаётган қардошлик саломимизни топширишдек зўр шарафга муяссар бўлдик.

Сизларнинг байрамингиз, қадрдон ўртоқлар, бизнинг ҳам байрамимиздир, Ўзбекистон республикаси билан Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 40 йиллигини совет халқларининг бутун аҳил, кўп миллатли оиласи кенг ва шодиёна равишда нишонламоқда. Ўзбекистон халқлари билан Қозоғистон халқларининг тақдири ҳамиша бир бўлиб келди. Лекин революцияга қадар бошимиздаги қулфат ва аламлар бизни бирлаштирган бўлса, эндиликда шодлигимиз, бахт-саодатимиз, эркин ҳаётимиз, мамлакатимизда коммунизм ғалабаси йўлида қилаётган ижодий меҳнатимиз бизларни бирлаштириб турибди.

Умрнинг 40 йили унчалик катта муддат эмас, аммо ана шу қирқ йил ичида Ўзбекистон шундай улкан йўлни босиб ўтдики, бошқача шароитда бунинг учун асрлар керак бўлар эди. Ленин ғояларининг сўнмас нуридан баҳраманд бўлган Ўзбекистон меҳнаткашлари шонли ленинчи партиясининг синаллар раҳбарлиги остида. Ватанимиздаги ҳамма халқларнинг ва, даставвал рус халқининг қардошларча ёрдами билан фақат бир авлод умри мобайнида феодализмдан социализмга, ҳуқуқсизликдан тенг ҳуқуқлиликка, қашшоқликдан давлатмандликка мисли кўрилмаган сакраш қила олдилар.

Ўзбекистон Бухоро районлари сийнасида асрлар бўйи мудраб ётган битмас-туганмас табиий газ бойликларини Совет Иттифоқи халқларига хизмат қилдира бошлади. Зангори ёқилғи Қозоғистонга ҳам етиб борди, бизга етиб боргач, қайноқ қалбларингизнинг ўтини, қардошлик туйғуларингизнинг ҳароратини, меҳр-муҳаббатингиз ва дўстлигингизни олиб борди.

Ўзбекистон табиати пахтачиликни ривожлантириш учун серунум ерларни атайлаб бинога келтириб қўйганга ўхшайди. Бинобарин, совет кишилари серқуёш Ўзбекистонни «оқ олтин» ўлкаси деб атамоқдаларки, бу бежиз эмас.

Пахта бутун мамлакат экономикасини ривожлантиришда бениҳоя муҳим роль ўйнамоқда. Ўзбек халқи пахта етиштиришни йилдан йилга кўпайтириб бормоқда. Бу эса, барча совет кишиларини хурсанд қилмоқда.

Кези келганидан фойдаланиб, қардош Ўзбекистон пахтакорларини ва барча меҳнаткашларини улуғ ғалаба билан — давлатга пахта сотиш плани бажарилгани билан чин юракдан қизғин қутлашимизга рухсат бергайсиз.

Шарқда вақт тоғларни емиради, сув тошларни кемиради, деган гап бор. Лекин совет халқларининг дўстлигига вақт ўз ҳукмини ўтказа олмайди, бу дўстлик йиллар ўтган сайин тобора мустаҳкам бўлаверади.

Биз, қозоғистонликлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил топган кунинг қирқ йиллиги туфайли қизғин қутлов сўзларини изҳор этаётганлигимиз билан икки қўлама хурсандмиз: чунки биз фақат қардош бўлиб қолмай, айни маҳалда яхши қўни-қўшнилармиз ҳам.

Совет халқлари дўстлигининг кучи тоғлардан шариллаб тушиб келаётган дарёлар қуввати сингари битмас-туганмасдир. Халқларимиз ягона фикрлар билан яшамоқдалар, ягона йўлдан умумий эзгу мақсадимиз — коммунизм сари бормоқдалар.

Биз сизларнинг мана шу такрорланмас кунлардаги шодлигингизга шерикмиз.

Қозоқ халқи, республикамизнинг барча меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съезднинг тарихий қарорларини ва КПСС Программасини бажариш учун курашда қардош ўзбек халқига чин юракдан, чин кўнгилдан янги ғалабалар тилайдилар.

Қардош Ўзбекистон Социалистик Республикаси СССР халқларининг улуғ оиласида яшайверсин ва яшнайверсин!

В. П. МЖАВАНАДЗЕ НУТҚИ

Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Азиз ўртоқлар! Грузия Компартиясининг Марказий Комитети, Грузия ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республиканинг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари номидан сизларга ва сизлар орқали Ўзбекистоннинг барча коммунистлари ва меҳнаткашларига мана шу тантанали кунда энг қизғин саломлар топширишни ва улуғ Ватанимиздаги коммунизм қурилишида сизларга янги муваффақиятлар тилаб самимий истаклар билдиришни бизга, Грузия делегациясига топширишди.

Сизларнинг республикангиз қиёфаси шу йиллар ичида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Шу йиллар ичида Совет Иттифоқининг ҳамма халқари биргаликда қаҳрамонона меҳнат қилиб ўзларининг бутун куч ва ғайратларини янги турмуш қуришга, ер юзида энг гўзал жамият бўлган коммунизм яратишга сарфладилар.

Жаҳон тарихининг янги даврини бошлаб берган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 47 йиллигини яқинда бутун мамлакатимиз, бутун прогрессив инсоният нишонлади. Улуғ Октябрь янги турмуш эшигини очиб берди. Улуғ Ватанимизнинг ҳамма халқларига озодлик ва тенглик келтирди.

Миллий давлат барпо қилинганлиги Совет Ўзбекистонининг халқ хўжалигини ва маданиятини барқ уриб ривожлантиришга негиз солди. Шу йиллар ичида бутун ўзбек халқи фидокорона меҳнат қилиб, буюк жасорат кўрсатди. Бепоён Ватанимизнинг ҳамма халқлари билан бирга биз сизларнинг муваффақиятларингиз билан фахрланамиз. Ўзбек халқининг қаҳрамонона яратувчилик меҳнати туфайли сизларнинг фаровон ўлкангиз таниб бўлмас даражада ўзгарганлигига хурсандмиз. Партиямизнинг доно ленинча миллий сиёсати, ўзбек халқининг қаҳрамонларча фидокорона меҳнати, Совет Иттифоқидаги ҳамма халқларнинг бегараз қардошларча ёрдами — мана шуларнинг ҳаммаси ўзбек халқининг маънавий кучларини ҳаракатга келтирди.

Совет халқларининг дўстлиги шундай улуғ монолитки, ундаги ҳар бир ғишт, ҳар бир тош, ҳар бир зарра бир бутун бўлиб абадий бирлашган, тинчлик ва социализм душманларининг ҳеч қандай кирдикорлари бизнинг бузилмас бирлигимизни, жипслигимизни бўшаштира олмайди.

Совет халқи, бутун мамлакатимиз Ленин йўлидан оғишмай бормоқда. Ватанимиз халқлари партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига, коммунизм ишига чексиз содиқдирлар. Партия халқнинг кучига, унинг яратувчи ижодкор ақл-заковатига бениҳоя ва чексиз ишонади, халққа фидокорона хизмат қилишни ўзининг олий бурчи, деб билади. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, ўлмас Ленин васиятларига содиқлик Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг октябрь ва ноябрь Пленумларида янги куч билан намоён бўлди. Бу Пленумлар партиямизнинг кучини ва донишмандлигини, энг муҳим давлат ва халқ хўжалик вазифаларини хал этишдаги бирлигини яна бир марта намойиш қилди.

Республикамизнинг барча меҳнаткашлари номидан сизларни яна бир марта қизғин қутлашга, Грузия меҳнаткашларининг қардошларча қизғин саломини ўзбек халқига топширишга ва коммунизм қуришда сизларга энг яхши янги ютуқлар, янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Халқларимиз ўртасидаги, Совет Иттифоқининг ҳамма халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик мустаҳкамлансин ва ривожланснин!

Яшасин ўзбек халқи!

Яшасин Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги! **(Қарсаклар).**

В. Ю. ОХУНДОВ НУТҚИ

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Азиз ўртоқлар! Қадрдон дўстлар! Дўстимиз ва биродаримиз ўзбек халқини унинг катта миллий байрами билан, Ўзбекистан Совет Социалистик Республикаси ташкил топган ва Ўзбекистон Коммунистик партияси тузилган кунинг қирқ йиллиги билан Озарбайжон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг топширувига биноан, бутун озарбайжон халқи номидан қутлашимга рухсат бергайсиз.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида, улуғ рус халқи бошлиқ мамлакатимиздаги ҳамма халқларнинг қардошлик ёрдами билан босиб ўтилган шонли қирқ йиллик кураш ва ғалабалар йўлига мана шу бахтли айёмда ҳаққоний фахрланиш туйғуси билан якун ясаётганликларини кўриб, биз, ҳамма дўстларингиз ва биродарларингиз беҳад хурсанд бўляпмиз.

Ўзбек халқи Совет ҳокимияти йиллари мобайнида босиб ўтган йўлга бугунги муваффақиятлар чўққисидан назар ташласанг, дилинг шодликка тўлиб кетади. Дарҳақиқат, қисқа вақт ичида қардош ўзбек халқи ҳам, шунингдек мамлакатимиздаги бошқа барча халқлар ҳам кўп, ниҳоятда кўп ишлар қилишди. Ўртоқ Ш. Р. Рашидов буни ўз докладида ёркин ва мазмунли равишда гапириб берди ва ўртоқ Л. И. Брежнев бу тўғрида ўз нутқида ажойиб гапларни айтиб ўтди.

Бугунги бахт-иқболимиз ва бундан ҳам гўзал истиқболимиз учун кимдан миннатдор бўлишимиз керак? Бунинг учун Ленин партиясидан, Совет ҳокимиятидан ва мамлакатимиз халқлари дўстлигидан миннатдор бўлишимиз лозим.

Бахт-иқболли хонадонимиз — кўп миллатли, озод, қудратли Совет Иттифоқи асрлар бўйи яшайверади, чунки унинг мамлакатимиздаги халқлар дўстлиги ва қардошлиги синғари мустаҳкам пойдевори бор.

Улуғ Низомий бахт-саодат дўстликка йўлдош бўлади, нифоқ бор жойга қулфат келиши муқаррардир, деган эди.

Халқларимиз дўстлиги шундай бир бебаҳо бойлигимизки, буни бизга улуғ Ленин васият қилиб қолдирган.

Ўзбекистоннинг забардаст шоири Ғафур Ғулом ҳақли равишда айтганидек, дўстлик — олтиндан қиммат, темирдон мустаҳкам, бўронлар кучлидир.

Халқларимиз дўстлиги тарихий тўфонлар ва бўронлар қаршисида, Ватанимизга очкўзлик билан кўз олайтирган шум ниятли душманлар қаршисида сира букилмай, салобатли тоғлардек мағрур ва мислсиз матонат билан қад кўтариб турғани, улуғ Ватанимиз букилмаслиги, енгилмаслигининг кафили бўлаётгани шу боисдан эмасмикин? Бас, шундай экан, ўртоқлар, халқларимиз дўстлигини бундан буён ҳам кўз қорачўғидек авайлаб мустаҳкамлай берайлик.

Ўзбек халқи билан озарбайжон халқининг дўстлиги — мамлакатимиз халқлари улуғ дўстлигининг узвий бир бўлагидир. Бу дўстлигимиз қадим замонлардан, Навоий, Бируний, Низомийнинг ўлмас номлари зарҳал билан битилган саҳифалардан бошланган. Халқларимизни социализм ва коммунизм қурилиши учун курашда бир оилага жипслаштирган Ленин партияси Совет ҳокимияти йиллари мобайнида бу дўстлигимизни ардоқлаб, камолатга етказди.

Илгари ислом дини бизга зўрлаб қабул қилдирган жаҳолатпарастлик ва нодонликдан иборат бир жирканч вазиятда эзилиб, аянчли турмуш кечириб келган биз, Шарқ халқлари фақат улуғ рус халқининг ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг қардошларча беғараз ёрдами туфайли, фақат улуғ Ленининг доно раҳбарлиги туфайли ўз эркимизни ва бахтимизни топдик.

Ўзбек халқининг бир ривояти беихтиёр эсимга тушиб қолди. Бургут ўз болаларини биринчи марта учишга ўргатабошлаган вақтида уларни тоғлар чўққисидан жуда баландга олиб чиқиб кетар экан. Лекин болам ўзини қояларга уриб олмасин, деб уни ҳимоя қилиб турар, ўпқонга агдарилиб тушмасин, деб боласидан кўз-қулоқ бўлиб турар экан, боласи бўронда қолса, бургут уни ўз қаноти остига олар экан. То боласи учишни ўрганмагунча шундай қилаберар экан.

Агар таъбир жоиз бўлса, бургут—бизнинг партиямиз, улуғ Лениндир, халқларимиз, уларнинг коммунистик партиялари эса ана шу бургутнинг болаларидир.

Ана шу улуғ Ленин партияси 1917 йил октябрь ойида халқимизни инсоний азоб-уқубатлар ва капитал эксплуатациясининг тўсиз жаридан ёруғликка олиб чиқди. Лениннинг ўткир ибораси билан айтганда, капитал халқни эзиб, мажақлаб, бўғиб келар эди. Ана шу улуғ Ленин партияси неча юз миллион кишиларни социал адолат чўққисига кўтарди. Ана шу Улуғ Октябрь социалистик революцияси бизни коммунизмнинг порлоқ уфқлари томон бошлади. Ер қаъридан то космик баландликларни забт этишгача бўлган мана шу журъаткорона парвозда ўзбек халқи мамлакатимиздаги ҳамма халқларнинг аҳил сафида муносиб ўрин эгаллаб келаяпти, бу билан фахрланишга унинг тўла ҳақи бор.

Ўзбекистонлик ака-укаларимиз ва опа-сингилларимиз, сизларнинг бундан буён тағин ҳам кўпроқ равнақ топишларингизни, тағин ҳам каттароқ бахтга мушарраф бўлишларингизни тилаймиз. Яшасин меҳнатсевар, талантли, қардош ўзбек халқи ва унинг жанговар авангарди бўлган Ўзбекистон Коммунистик партияси! Яшасин улуғ рус халқи бошчилигидаги халқларимизнинг дўстлиги! Яшасин кувончимиз, ифтиҳоримиз, кўзимизнинг нури гиёси бўлган улуғ Ленин партияси! Абадий барҳаёт доҳиймиз улуғ Ленинга шон-шарафлар! **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ

Ягона, катта оилада

А. Ю. СНЕЧКУС НУТҚИ

Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Азиз ўртоқлар! Сизларни ва сизлар орқали Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларини Литва Компартияси Марказий Комитети, Литва ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, бутун литва халқи номидан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 40 йиллиги билан чин юракдан қардошларча қутлашимга рухсат бергайсиз.

Улуғ Октябрь ўзбек, литва халқларига ва Советлар мамлакатимиздаги бошқа барча қардош халқларга тарихий зафарлар йўлини очиб берди. Октябрь ғалабаси натижасида ўзбек халқи феодализм ва капитализм асоратидан умрбод қутулиб, ўз тақдирининг хўжайини бўлиб қолди. Совет халқларининг қардошлик оиласида тенгларнинг тенги қатори социалистик тараққиёт йўлига тушиб олди. Улуғ Ленининг ўлмас идеяларидан руҳланган ўзбек халқи ана шу йўлдан бориб, комил ишонч билан янги, эркин ва бахтли ҳаёт қурмоқда.

Ўзбек халқи қирқ йил ичида барча совет халқларининг ва, аввало, улуғ рус халқининг қардошлик ёрдами билан, Коммунистик партия ленинчи Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг доно раҳбарлиги туфайли хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида катта-катта ютуқларга эришди. Ўзбекистон Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлиб қолди. Бу ерда оғир индустриянинг янги тармоқлари, химия, енгил ва озиқ-овқат саноати барпо этилди, янги, обод шаҳарлар қад кўтарди, фойдали қазилмаларга ниҳоятда бой бўлган конлар топилди. Лекин активлик билан коммунизм қураётган янги совет кишиси — Октябрнинг ўзбеклар диёрида қўлга киритган энг катта ғалабасидир.

Азиз ўртоқлар, сизларнинг ютуқларингизга биз ҳам ўзингиз қатори қувонмоқдамиз. Бу ютуқларингиз совет халқлари дўстлигининг куч-қудратидан, партиямиз ленинча миллий сиёсатининг тўғрилигидан далолат бериб турибди. Ўзбек халқининг қаҳрамонона меҳнати мамлакатимизда коммунизм қуриш учун олиб борилаётган курашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Ўзбек халқи Коммунистик партия раҳбарлигида, Совет Иттифоқидаги қардош халқлар ёрдами билан коммунизм қурилишида бундан ҳам зўр муваффақиятларга эришади. Совет Иттифоқи шонли Коммунистик партиямизнинг партия XX ва XXII съездлари гизаси берган бош йўли бунинг гаровидир. КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг тарихий қарорлари, КПСС Марказий Комитетимиз Президиумининг ленинча ижодий иши бунинг гаровидир.

Қадрдон ўртоқлар, дўстлар. Бугунги байрамингиз — бизнинг ҳам байрамимиз, бутун совет халқининг байрамидир. Қардош ўзбек халқига коммунизм тантанаси учун олиб борилаётган умумхалқ курашида яна бир карра чин юракдан бундан ҳам катта муваффақиятлар тилашимизга рухсат бергайсиз. Яшасин Совет Ўзбекистони ва Ўзбекистон Коммунистик партияси! Яшасин Совет Иттифоқи шонли Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитети! **(Қарсаклар).**

И. И. БОДЮЛ НУТҚИ

Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Азиз ўртоқлар ва дўстлар! Ўзбекистон республикаси ва Ўзбекистон Коммунистик партияси шонли қирқ йиллиги муносабати билан ўтказилаётган мана шу мислсиз тантана ва бахт кунида молдаван халқи Ўзбекистоннинг мард ва талантли халқига ўзининг алангали саломини йўллайди, уни байрам билан чин кўнгилдан қутлайди, унга меҳнатда энг яхши истаклар ва турмушда катта бахт-саодат тилайди.

Мана шу қувончли ва шодиёна тантанада Ўзбекистон меҳнаткашларини табриклашдек юксак шарафга муяссар бўлганлигим учун жуда миннатдорман. Сизларнинг байрамингиз улуғ Советлар мамлакатимиздаги ҳамма халқларнинг тантанасидир. Бу йил Совет Иттифоқининг бир неча республикаси мана шундай тарихий байрамни нишонлайди. Яқинда молдаван халқи ҳам ўзининг юбилейини — Молдавия Совет Социалистик Республикаси ва Молдавия Коммунистик партияси тузилган кунини байрам қилиб ўтказди.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида, унчалик катта бўлмаган тарихий муддат ичида халқларимизнинг ҳар бири экономика ва маданиятни ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришди. Улуғ марксизм-ленинизм таълимотининг ҳаётийлиги, партиямиз ленинча миллий сиёсатининг донолиги, барча совет халқларининг битмас-туганмас ғайрати ва таланти Совет Иттифоқидаги ҳамма халқларнинг барқ уриб ўсаётганлигида ва чинакам яшнаб бораётганлигида намоён бўлди.

Биз ўзбек халқини жуда севамиз, унинг меҳнатдаги шавкатига қойилмиз ва унинг порлоқ ютуқлари билан фахрланамиз. Беговотнинг пўлати ва прокати, Бухоро гази, Андижон ва Фарғона нефти, Қувасой цементи, Оҳангарон кўмири, Олмалиқ қўрғошини, Тошкентнинг машина ва газламалари, Чирчиқнинг минерал ўғитлари Ўзбекистоннинг бугунги қиёфасини кўрсатиб турибди. Жуда кўп миқдорда «оқ олтин» етиштириб бераётган ва бошқа кўпгина қишлоқ хўжалик маҳсулоти тайёрлаб бераётган Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари сўнмас шуҳрат қозондилар.

Жаҳонга улуғ Навоийни етиштириб берган, Совет Иттифоқи халқларининг маданиятини бойитган жуда кўп асл адабий дурдоналар яратган ўзбек халқининг маданий мероси ўлмас меросдир.

Молдаван халқи Ўзбекистон меҳнаткашлари бераётган қардошларча ёрдамни юксак даражада қадрлайди. Бу бегараз ёрдам ва самимий дўстлик саноатнинг янги тармоқларини яратишимизга, энергетикани ривожлантиришимизга, қишлоқ хўжалигини юксалтиришимизга ёрдам берди.

Совет Ўзбекистонининг ажойиб муваффақиятлари, Совет ҳокимиятининг 40 йили мобайнида сизларнинг республикангизда вужудга келган ҳақиқатан мисли йўқ ўзгаришлар қардош Ўзбекистон халқининг чинакам қаҳрамонлигини, республика коммунистларининг фидокорлигини ва ташкилотчилик талантини кўрсатувчи намунадир. Ўзбек халқининг маданиятини, олимларингизнинг муваффақиятларини биз ўзимиз учун жуда катта бойлик деб биламиз.

Ўзбек халқига бахт-саодат тилаб ва унинг гуллаб-яшнашини истаб билдирмоқчи бўлган бизнинг ниятларимизни ажойиб шоир Ғафур Ғуломнинг «Шуҳратинг абадий яшасин!» деган сўзлари билан ифодалашга ижозат бергайсиз. Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги ҳамиша мустаҳкамлана берсин! Доно йўлбошчи, ҳамма ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси жонажон Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар! **(Қарсаклар).**

А. Я. ПЕЛЬШЕ НУТҚИ

Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Азиз ўртоқлар! Бугун, сизларнинг порлоқ байрамингиз кунида улуғ совет элининг ҳамма томонидан барча халқларнинг намояндалари сизларга ўзларининг самимий дўстлик, қардошлик ва муҳаббат ҳисларини изҳор этувчи оташин сўзларни айтиш, энг қизғин истакларини билдириш учун келдилар. Латвия Компартияси Марказий Комитети, Латвия ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг тоқшириғига биноан, бутун латвиш халқи номидан Совет Ўзбекистонининг ишчилари, колхозчилари, интеллигенцияси, барча меҳнаткашларини Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси барпо қилинган ва Ўзбекистон Коммунистик партияси тузилган кунинг қирқ йиллиги кунидаги катта қувончли байрам билан Болтиқ денгизи соҳилларида яшовчи латвиш халқининг вакили сифатида менинг ҳам қизғин табриклашимга ижозат бергайсиз.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ўзбек халқини самодержавие, бойлар ва капиталистлар асоратидан абадий қутқариб, унга тараққиёт ва равнақ йўлини очиб берди. Совет ҳокимияти йилларида Коммунистик партия раҳбарлигида, улуғ рус халқининг ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг қардошларча ёрдами билан Ўзбекистон чор Россиясининг илгари қолоқ мустамлака чекка ўлкасидан эндиликда саноати ривожланган, қишлоқ хўжалиги юксак даражада механизациялашган, шаклан миллий, мазмунан социалистик илғор маданиятга эга бўлган республикага айланди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси қирқ йил мобайнида кураш ва ғалабаларнинг шонли йўлини босиб ўтди. У, ўзбек халқининг етакчи кучидир, улуғ ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг содиқ, синалган отряди-дир.

Ўзбекистон совет республикасининг халқ хўжалигини ривожлантиришдаги, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ва маданиятини оширишдаги жуда катта муваффақиятлари совет социалистик тузумнинг афзалликларидан, Коммунистик партиянинг доно сиёсатидан келиб чиққан, партия ленинчи Марказий Комитетининг самарали фаолияти вужудга келтирган натижадир.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг муваффақиятлари ленинча миллий сиёсат тантанасини кўрсатувчи ёрқин мисолдир. Мамлакатимиз халқларининг қардошларча дўстлиги, Ватанимиз халқларининг муқаддас дўстлиги Октябрь социалистик революцияси оловида, граждан уруши оловида, социализм қуриш йилларида, Улуғ Ватан урушида тобланди. Мамлакатимизнинг ҳамма халқлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлигида коммунизмнинг улуғвор биносини қураётганида бу дўстлик тағин ҳам қўпроқ мустаҳкамланди ва равнақ топди.

Латвия Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, Латвия республикаси Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Ўзбекистон Коммунистик партиясига, республикангизнинг барча меҳнаткашларига экономиканн ва маданиятни янада яшнатиш учун, XXII съезд тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашда — коммунизм улуғ иши йўлидаги кураш программаси бўлган мана шу қарорларни амалга ошириш учун курашда чин кўнгилдан энг катта муваффақиятлар тилайди.

Яшасин Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси! Яшасин унинг Коммунистик партияси! Яшасин Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги! Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи! Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва мамлакатимиз халқларини коммунизм ғалабаси сари дадил олға бошлаб бораётган партия Марказий Комитети! **(Қарсаклар).**

И. В. КАПИТОНОВ НУТҚИ

Иваново саноат область партия комитетининг биринчи секретари

<> <>

Азиз ўртоқлар, дўстлар! Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топган ва Ўзбекистон Коммунистик партияси тузилган кунинг 40 йиллиги нишонланаётган ана шу зўр тантанавий айёмда Иваново область партия ташкилоти ва тўқимачилик ўлкасининг барча меҳнаткашлари номидан сизларга ва сизлар орқали бутун қардош ўзбек халқига чин юракдан оташин салом топширишимга ҳамда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съездининг тарихий қарорларини ва коммунизм қурилишининг улуғвор программасини амалга ошириш учун курашда чин кўнгилдан янги, зўр муваффақиятлар тилашимга рухсат бергайсиз.

Иваново тўқимачилари билан Ўзбекистон меҳнаткашлари ўртасида кўпдан бери бузилмас, жуда яқин дўстлик алоқалари мавжуд. Бу дўстлик граждандар уруши йилларида, яъни М. В. Фрунзе Туркистон фронтига бошчилик қилган пайтда бошланган.

Озод қилинган қардош Ўзбекистондан дастлабки пахта эшелони етиб борган кунларни Иваново тўқимачилари ҳеч қачон унутмайдилар. 1920 йил охирида Ўрта Осиё партия ташкилотининг таклифига асосан Ўрта Осиё пахтакорлари билан тўқимачилар ўртасида мусобақа бошланди. Ҳар биримиз дастлабки социалистик мусобақа шартномасини қайта ўқиб кўрсак, бутун куч-қувватимизни тўқимачилик саноати, пахта заводлари, машина-трактор станциялари ва йирик колхозлар барпо этиш йўлига солиб юборамиз, деган сатрларни топамиз.

Мамлакатда энг йирик Иваново меланж тўқимачилик комбинатининг биринчи навбати ишга туширилган пайтда ўзбек пахтакорлари ана шу байрамга борган энг азиз меҳмонлардан бўлишди. Ана шу қардош халқ вакиллари пахта тойларини машиналарга ҳаммадан аввал узатиб берганларидан кейин, комбинат ишга тушиб кетди. Тошкент тўқимачилик комбинати қурила бошлагандан кейин эса, ивановоликлар бу қурилишга юзлаб меҳнаткашларини юборишди, шундан сўнг республика енгил саноатининг тўнғич корхонасини ишга тушириш ва ўзлаштиришда ҳам актив иштирок этишди.

Ўзбекистон билан бизнинг областимиз меҳнаткашларининг мусобақаси сўнгги вақтларда айниқса кенг авж олиб кетди. Бизнинг иқтисодий ва маданий алоқаларимиз кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон меҳнаткашлари билан Иваново области меҳнаткашларининг мусобақаси Советлар мамлакатидаги халқлар бузилмас дўстлигининг конкрет намуналаридан бири бўлиб қолди. Қардош ўзбек халқи республика ташкил топган ва Ўзбекистон Коммунистик партияси тузилган куннинг қирқ йиллигини сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати янада ошиб кетган бир вазиятда нишонлаётганлиги бизни айниқса қувонтирмоқда.

Биз сизларнинг фабрика ва заводларда, колхоз ва совхоз далаларида чинакам фидокорлик билан меҳнат қилаётганлигингизни муттасил кузатиб боряпмиз ҳамда пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарганингизга чин кўнгилдан хурсанд бўляпмиз. Бу ларнинг ҳаммаси тўқимачилик саноатининг тўхтовсиз ишлаб туриши учун, газлама тўқишни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун яхши шарт-шароитлар вужудга келтиряпти. Қадрдон пахта усталари, областимизнинг барча меҳнаткашлари сизларга қизғин раҳмат айтадилар ва ҳурмат билан таъзим қиладилар! Сизларнинг зўр ғалабангиз республика ва Ўзбекистон Коммунистик партияси юбилейи шарафига берилган меҳнат салюти бўлди.

Қадрдон мусобақадош дўстлар, Иваново областидаги саноат корхоналарининг коллективлари ўн ойлик планни муддатидан олдин бажарганликларини ва қўшимча равишда 30 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарганликларини сизларга маълум қилишга рухсат этгайсиз.

Улуғ Ватанимиз бахт-саодати учун, коммунизм тантанаси йўлида қилаётган яратувчилик меҳнатида талантли, меҳнатсевар ўзбек халқига Иваново области меҳнаткашлари номидан яна бир карра янги-янги ютуқлар тилашимга рухсат бергайсиз.

Яшасин Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва унинг жанговар авангарди — Ўзбекистон Коммунистик партияси! Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ва унинг ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар! **(Қарсаклар).**

Т. У. УСУБАЛИЕВ НУТҚИ

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

<> <>

Азиз ўртоқлар! Ушбу тантанали мажлис қатнашчилари бўлган сизларни ва сизлар орқали бутун қардош ўзбек халқини, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларини ажойиб байрам — сизларнинг гуркираб яшнаётган республикангизнинг ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси содиқ отрядларидан бири — Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 40 йиллиги билан қирғиз халқи номидан, Қирғизистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Қирғизистон республикаси Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан ва топшириғига мувофиқ чин кўнгилдан табриклашга рухсат бергайсиз.

Азиз ўртоқлар, сизнинг байрамингиз коммунизм йўлидан ишончи билан шаҳдам одим ташлаб бораётган Совет Иттифоқи халқлари ягона ленинча оиласининг ҳам катта ва қувончли байрамидир. Барча халқлар сингари ўзбек халқи ҳам озодликка чиқиш ва бахт-саодатга эришишни асрлар бўйи орзу қилиб келди. Лекин Коммунистик партия ва унинг йўлбошчиси улуғ Ленин раҳбарлигида амалга оширилган Улуғ Октябрь социалистик революциясигина мамлакатимиздаги барча халқларни империализм ва маҳаллий бойлар эксплуатациясидан, жабр-зулмидан бир умрга халос қилди, социализм ва коммунизмга бориш йўлини очиб берди.

Ўзбек халқи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигида Совет ҳокимияти йилларида кураш ва ғалабаларнинг шонли йўлини босиб ўтди. Ўзбекистон улуғ рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг қардошлик ёрдамига таяниб, чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкасидан экономикаси ва маданияти юксак даражада ривожланган барқ уриб яшнаётган социалистик республикага айланди.

Қирғиз халқи коммунизм моддий-техника базасини барпо этишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётган ўзбек машинасозлари, химиклари, кончилари, пахтакорлари, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари қилаётган шонли ишларга қувонмоқда, фахрланмоқда ва қойил қолмоқда.

Қирғизларда: «Ғазаб қаритар, дўстлик ёшартирар» деган мақол бор. Ҳақиқатан ҳам шундай. Мамлакатимиз халқлари бузилмас қардошларча дўстлик туфайли ёшариб кетдилар. Мамлакатимиздаги бошқа халқлар сингари ўзбек халқи ҳам ҳозирги вақтда коммунистик қурилиш улуғвор вазифаларини амалга ошириш учун олиб борилаётган умумий курашда куч-қувватга тўлган, ижодий ғайрати жўш урган ҳолда қатнашмоқда.

Бугун, сизларнинг шонли 40 йиллик тўйингиз кунида сиз, қардош ўзбеклар ва бошқа барча қардош совет халқлари билан бирга Қирғизистон меҳнаткашлари мамлакатимиз халқларига бахтиёр қувончли ҳаёт келтирган, марксизм-ленинизмнинг барҳаёт идеяларига ғоят катта ғамхўрлик қилдилар. «Правда» газетаси 1919 йилдаёқ Шарқда Совет ҳокимиятининг машъалларини барпо этиш зарур деб ёзди. Шунга 40 йилдан сал ошди. Бугун биз ана шу вазифа муваффақиятли суратда ҳал қилинганини ифтиҳор билан айта оламиз.

Қадрдон ўртоқлар! Халқларимизнинг тақдири кўп асрлар мобайнида бир-бири билан чамбарчас боғланиб келди. Шу сабабдан, биз, тожиклар азрўйи-азалдан бир тупроқда яшаб келган халқларимиз дўстлигини муътабар биламиз. Бизнинг тақдиримиз бир хил эди.

Бу йил улуғ тожик шоири Жомий туғилган кунинг 550 йиллиги нишонланади. Жомий — ўзбек халқининг улуғ шоири Алишер Навоийнинг ниҳоятда яқин дўсти эди. Маданиятимиздаги бу икки тарихий арбобнинг шахсий дўстлиги ғоят диққатга сазовор бўлиб, узоқ асрлардан бошланган халқларимиз дўстлигини гавдалантириб туради. Бу дўстлик Совет ҳокимияти йилларидаги мустаҳкамланиб, янги социалистик мазмун касб этди.

Неча юз минг гектарлаб ерга ҳаёт бағишлаган Катта Фарғона ва Ҳисор каналларини олайлик. Бу каналлар халқлар дўстлигининг забардаст кучини бирлаштириб юборди. Қайроққум ГЭСини олайлик. Республикамиз фахри бўлган бу ГЭСга, менимча, «Халқлар дўстлиги» ГЭСи деб муносиб символик ном қўйилган. Серқуёш Тожикистоннинг жавоҳири бўлган Вахш водийсини умумий куч-ғайратларимиз билан ўзлаштирдик.

Олижаноб дўстлигимиз ва қардошлигимиз туйғуларини ифода этиш белгиси сифатида сиз, қадрдон дўстларимиз ва биродарларимизга тожик халқининг чин кўнгилдан отилиб чиқаётган оташин, Помирнинг оппоқ қорли чўқиларидан сингари бегубор муборакбод сўзларини ва энг яхши самимий тилакларини изҳор қиламан. Серқуёш қардош Ўзбекистон тағин ҳам барқ уриб яшнай берсин! СССР халқларининг бузилмас дўстлиги яшай берсин ва мустаҳкамлана берсин! Улуғ Ленин партиясига шон-шарафлар! **(Қарсаклар).**

Ж. Р. РАСУЛОВ НУТҚИ

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

<> <>

Азиз ўртоқлар! Бугун улуғ ва шодиёна байрам. Республикангиз меҳнаткашлари ўз социалистик давлати бунёдга келган ва Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил топган куннинг қирқ йиллигини тантана билан нишонлямоқдалар.

Мана шу умумхалқ тантанасининг шодиёнасига ҳамдам бўлиш учун бу ерга ҳамма қардош республикаларнинг вакиллари келишди. Совет Тожикистонининг делегацияси ҳам сизларнинг байрамингизга зўр ва самимий шодлик туйғуси билан келди. Халқимизнинг дўстингинг тўйи — сенинг тўйинг, деган гапи бор.

Қирқ йил — тарих учун ҳеч гап эмас, лекин шу давр ичида ўлкангизда қандай улкан ўзгаришлар содир бўлди! Улуғ Октябрь мамлакатимиздаги барча халқлар қатори ўзбек халқига ҳам озодлик, бахт-саодат ва камолатга элтадиган ёруғ йўлни очиб берди.

Ўзбек халқи ўзининг шонли юбилейини нақадар зўр ютуқлар билан кутиб олгани ҳақидаги гапларни бугун эшитдик. яқин дўстингиз ва биродарингиз сифатида ажойиб ғалабаларингизга чин кўнгилдан хурсандмиз. Қадрдон Ўзбекистоннинг янги ҳаёт барпо этишда эришган муваффақиятлари — талантли, меҳнатсевар ўзбек халқи қаҳрамонлик билан сарфлаган куч-ғайратларининг, Совет Иттифоқидаги барча халқлар ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ўзаро ёрдамнинг, улуғ Ленин кўрсатиб берган йўлдан мамлакатимизни комил ишонч билан бошлаб бораётган жонажон Коммунистик партиямиз ленинча доно миллий сиёсати чинакам тантана қилганлигининг натижасидир.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилган дастлабки кунлардан бошлаб партиямиз, Россиянинг революцион пролетариати Шарқдаги жафокаш халқларнинг тақдири тўғрисида ғоят катта ғамхўрлик қилдилар. «Правда» газетаси 1919 йилдаёқ Шарқда Совет ҳокимиятининг машъалларини барпо этиш зарур деб ёзди. Шунга 40 йилдан сал ошди. Бугун биз ана шу вазифа муваффақиятли суратда ҳал қилинганини ифтиҳор билан айта оламиз.

Қадрдон ўртоқлар! Халқларимизнинг тақдири кўп асрлар мобайнида бир-бири билан чамбарчас боғланиб келди. Шу сабабдан, биз, тожиклар азрўйи-азалдан бир тупроқда яшаб келган халқларимиз дўстлигини муътабар биламиз. Бизнинг тақдиримиз бир хил эди.

Бу йил улуғ тожик шоири Жомий туғилган кунинг 550 йиллиги нишонланади. Жомий — ўзбек халқининг улуғ шоири Алишер Навоийнинг ниҳоятда яқин дўсти эди. Маданиятимиздаги бу икки тарихий арбобнинг шахсий дўстлиги ғоят диққатга сазовор бўлиб, узоқ асрлардан бошланган халқларимиз дўстлигини гавдалантириб туради. Бу дўстлик Совет ҳокимияти йилларидаги мустаҳкамланиб, янги социалистик мазмун касб этди.

Неча юз минг гектарлаб ерга ҳаёт бағишлаган Катта Фарғона ва Ҳисор каналларини олайлик. Бу каналлар халқлар дўстлигининг забардаст кучини бирлаштириб юборди. Қайроққум ГЭСини олайлик. Республикамиз фахри бўлган бу ГЭСга, менимча, «Халқлар дўстлиги» ГЭСи деб муносиб, символик ном қўйилган. Серқуёш Тожикистоннинг жавоҳири бўлган Вахш водийсини умумий куч-ғайратларимиз билан ўзлаштирдик.

Олижаноб дўстлигимиз ва қардошлигимиз туйғуларини ифода этиш белгиси сифатида сиз, қадрдон дўстларимиз ва биродарларимизга тожик халқининг чин кўнгилдан отилиб чиқаётган оташин, Помирнинг оппоқ қорли чўқиларидан сингари бегубор муборакбод сўзларини ва энг яхши самимий тилакларини изҳор қиламан. Серқуёш қардош Ўзбекистон тағин ҳам барқ уриб яшнай берсин! СССР халқларининг бузилмас дўстлиги яшай берсин ва мустаҳкамлана берсин! Улуғ Ленин партиясига шон-шарафлар! **(Қарсаклар).**

Н. Я. ЗАРОБЯН НУТҚИ

Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

<> <>

Азиз ўртоқлар! Азиз дўстлар! Арманистон Коммунистик партияси, республикамизнинг барча меҳнаткашлари номидан коммунистларни ва бутун қардош ўзбек халқини шонли байрам — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 40 йиллиги билан табриклашга рухсат бергайсиз.

Бугун Ўзбекистон шод-хуррам кунларни бошидан кечирмоқда. Меҳнаткашларнинг қалблари бахт-саодатга тўлиб тошган. Ўзбекларнинг ҳар бир уйида, ҳар бир оиласида катта байрам нишонланмоқда.

Ўзбекистон барча қардош республикалар ва ўзимизнинг бутун ақил совет оиламиз ёрдамида металлургия, машинасозлик, химия саноатини ривожлантиришда зўр муваффақиятларга эришди. Ўзбекларнинг «оқ олтин»и бутун Иттифоққа довруқ ёйди. Минглаб гектар янги ерларга сув чиқарилди. Собиқ Мирзачўл маъмурчилик, бадавлатлик ва бахт-саодат диёрига айланмоқда. Ўз қаддини ростлаб олган халқнинг қадимий маданияти мислсиз равнақ топди.

Ана шу муваффақиятларнинг ҳаммасида коммунистик партиянинг ленинча доно миллий сиёсати, барча совет халқлари дўстлиги, бирлиги ва ўзаро ёрдамлашувининг буюк кучи, бузилмас иттифоқ бўлиб бирлашган социалистик миллатларнинг қардошларча ҳамдўстлиги ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Ҳозирги кунларда, коммунизм қурилиши авж олдирилган даврда ўзбек ва арман халқари ўртасидаги дўстона муносабатлар янада кенг кўламда ривожланиб бормоқда. Халқларимизнинг иқтисодий ва маданий ҳамдўстлиги кун сайин мустаҳкамланиб ва кенгайиб бормоқда.

Барча совет халқларининг коммунизм қуришдан иборат битта ягона мақсади бор. Бизнинг жонажон Коммунистик партиямиз, унинг ленинчи Марказий Комитетимиз! **(Қарсаклар).**

Б. О. ОВЕЗОВ НУТҚИ

Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Қадрдон ўртоқлар! Туркманистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Туркманистон ССР Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан, бутун туркман халқи номидан шонли 40 йиллик юбилейингиз муносабати билан сизларга ва сизлар орқали қардош ўзбек халқига, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига самимий салом, қизғин қутловлар топшириришимга рухсат бергайсиз.

Сизларнинг шонли юбилейингиз — барча совет кишиларининг катта байрамидир. Туркман халқи бунга айниқса шунинг учун хурсанд бўляптики, сизларнинг байрамингиз бизнинг республикамиз ва Туркманистон Коммунистик партияси ташкил топган кунинг 40 йиллигига тўғри келиб қолди.

Совет Иттифоқидаги ҳамма халқлар, аввало оғамиз улуғ рус халқи порлоқ ҳаёт қуришимизга ёрдам бермоқдалар. Биз Ленин кўрсатиб берган йўлдан, Коммунистик партиянинг доно етакчилигида олга босиб келдик, доимо унинг зўр меҳрибонлиги ва ёрдамини сезиб турибмиз.

Совет Иттифоқидаги барча республикалар қатори бизнинг республикаларимиз экономикаси ва маданиятини муттасил яшнатиш тўғрисида доимо оталарча ғамхўрлик қилаётганликлари учун ўзбек ва туркман халқлари мана шу тантанали айёмларда жонажон Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирадилар.

Ўзбек халқи билан туркман халқининг дўстлиги узоқ замонлардан бошланган. Жонажон Коммунистик партиянинг ленинча доно миллий сиёсати халқларимиз дўстлигини қардошларча иттифоққа айлантириб юборди. Бизнинг халқимиз бу иттифоқ билан ҳақли суратда фахрланади ва уни кўз қорачиғидай асрайди.

Халқларимизнинг доимий дўстлиги коммунистик қурилиш даврида битмас-туганмас куч ва ғайрат манбаи бўлмоқда. Биз кучғайратларимизни бирлаштирган ҳолда Қорақум каналини барпо этмоқдамиз, энг йирик Бухоро — Урал газ қувурини ётқизмоқдамиз, Чоржўй — Қўнғирот темир йўлини қурмоқдамиз, биргаликда коллектор кавламоқдамиз.

Ўзбеклар билан туркманлар моддий неъматлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун мана шу қардошларча дўстликдан ўзларига куч-қувват олмоқдалар. Пахтадан мўл ҳосил етиштириш борасида туркман халқи ўзининг ўзбек қардошларидан олиб турган биринчи даражали қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари, қардошларча бегараз ёрдам — ўртамиздаги дўстона муносабатлар мустаҳкамланиб бораётганлигининг энг ёрқин ифодасидир. Меҳнатдаги шижоаткорликлар шон-шуҳрати билан қопланган ўзбеклар тупроғи коммунизм қуёшининг нури остида барқ уриб яшнаганлиги, чинакам боғу бўстонга айланганлиги билан туркман биродарлар ҳақли суратда фахрланмоқдалар ва бунга қойил қолмоқдалар. Улар социализмнинг Шарқдаги машъали — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси салобат билан нур сочиб турганлигига хурсанд бўлмоқдалар.

Биз Ўзбекистон меҳнаткашларини зўр ғалаба билан — пахта тайёрлаш ва сотиш давлат плани бажарилгани билан чин кўнгилдан табриклаймиз. Бу — ўзбек халқининг мамлакатимизда коммунизм қуриш ишига қўшган янги зўр ҳиссасидир. Қардош ўзбек халқига коммунистик қурилишда чин кўнгилдан янгидан-янги зўр муваффақиятлар тилаймиз.

Яшасин меҳнатсевар шавкатли ўзбек халқи! Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг жанговар отряди — Ўзбекистон Коммунистик партияси! Совет халқларининг қардошларча бузилмас дўстлиги бундан буён ҳам мустаҳкамланиб борсин! Ҳаммамизнинг ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси жонажон Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар. **(Қарсаклар).**

И. Г. КЭБИН НУТҚИ

Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Азиз ўртоқлар! Эстония Компартияси Марказий Комитети, Эстония ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети бутун эстон халқи номидан Совет Ўзбекистонининг барча меҳнаткашларини Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 40 йиллиги билан қардошларча табриклайди.

Ҳозирги вақтда гуллаб-яшнаб турган Ўзбекистон Совет Республикаси қирқ йил мобайнида ривожланишнинг буюк йўлини босиб ўтди. Талантли ва меҳнатсевар ўзбек халқи экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасида кўпми чет эл давлатларидан бутун бир тарихий даврилгарилаб кетишга муваффақ бўлди. Бунда социализмнинг улуғ афзалликлари ўзини яққол кўрсатди.

Барча совет халқлари сингари Эстония меҳнаткашлари ҳам Ўзбекистон ССРнинг социалистик экономика ва маданиятни ривожлантиришда эришган катта-катта муваффақиятларига қувонмоқдалар. Биз сизларнинг қайтадан қурилган гўзал шаҳарларингиздан, замонавий муҳташам биноларингиздан қойилмиз. Биз энг янги техника билан қуролланган электр станцияларингизга, завод ва фабрикаларингизга, кенг кўламдаги ирригация қурилишингизга, беғубор пахта далаларингизга ва энг муҳими, Ўзбекистон кишиларининг маънавий ва ижодий жиҳатдан зўр юксалишга эришганлигига қойилмиз.

Совет Эстонияси кишилари сизлар етиштирган «оқ олтин»ни юксак қадрлайдилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари пахта тайёрлаш планини бажардилар, деган хушхабар Эстония меҳнаткашларини ғоят қувонтириб юборди. Бизнинг республикамиздаги тўқимачилик корхоналарида йил сайин юз мингларча метр газлама, ўн мингларча тонна калавали ип ишлаб чиқарилмоқда. Шундай бўлгач, сиз эришган ажойиб муваффақиятлардан қувонмай бўладими ахир!

Лекин Ўзбекистоннинг пахтадан бўлак ҳам бойликлари бор. Ўзбеклар, қорақалпоқлар ва Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари совет кишилари бахт-саодати йўлида, коммунизмни зафарли қуриш йўлида ўзларининг меҳнаткаш қўллари билан қилаётган барча ишлари учун сизларнинг ҳаммангизга кўпдан-кўп раҳмат. Совет Эстониясининг ишчилари, колхозчилари, интеллигенцияси бутун ўзбек халқига ва унинг жанговар авангарди — Ўзбекистон Коммунистик партиясига коммунизм қурилишида янгидан-янги катта муваффақиятлар тилайдилар.

Яшасин Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Коммунистик партияси! Яшасин қардош совет халқларининг ленинча улуғ дўстлиги! Яшасин коммунизм қураётган совет халқининг жанговар авангарди — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! **(Қарсаклар).**

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС — 64543.
Р. 02490. Н. Б. 271.